

Салиев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК:33/336.4

СОЛИЕВ АБДУСАТТОР ИБРОХИМОВИЧ

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТДА

ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ

СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

5А 230102-Иқтисодиёт (реал сектор) мутахассислиги

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Тожибоев З.

ФАРҒОНА -2017

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоийиқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялашга йўналтирилган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада мустаҳкам ва барқарор банк тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида мамлакатда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб қувватлашда тижорат банклари кредитларининг ўрни беқиёсдир. Шу сабабли, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида тижорат банкларининг молия бозоридаги капиталлашуви янада оширилиб, инвестицион фаоллиги юксалмоқда.

Бозор муносабатларини ташкил этувчи тизим фаолиятида, мамлакат иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланишида тижорат банклари кредитлари муҳим ўрин тутди. Тижорат банклари ўз иқтисодий табиатига кўра, қуйидаги иқтисодий операцияларни бажаради:

-тижорат банклари аҳоли ва хўжалик субъектлари эҳтиёжларидан ортиқча бўлган молиявий ресурсларни қўшимча тўлов асосида ўзига жалб этади;

-вақтинчалик молиявий маблағларга зарурат сезаётган тадбиркорларга кредит ресурслари етказиб беради;

банк ўз операциялари орқали меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламларини иш ўрни билан таъминлаб, мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшади.

Тижорат банкларининг миллий иқтисодиётда бажараётган вазифаларини тирик организмнинг қон томирлари иш фаолиятига қиёслаш мумкин. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тижорат банкларини дунё андозаларига мос равишда ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Тижорат банкларининг молиякредит операцияларига Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов шундай баҳо берадилар: “Ўтган йилда банк-молия соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг қўламини кенгайтириш масалалари дўмий эътиборимиз марказида бўлиб келди. Биринчи навбатда, молиявий барқарорликни таъминлаш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва уларнинг эркинлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди”¹.

Тадқиқотнинг объекти. Тижорат банклари капиталлашув даражасининг ортиши иқтисодиётнинг реал секторида инвестицион фаолликнинг ўсишини таъминлашда банк кредитларининг аҳамиятини ошишига олиб келди. Иқтисодиётни реал секторини кредитлаш амалиётида қатор муаммоларнинг мавжудлиги кредит портфели сифатининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Бу эса, банкларнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлилигининг пасайишига сабаб бўлади. Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтилиши, мулкчилик шаклларини ривожлантирилиши, товар-пул муносабатларини фаоллаштириш зарурияти, банк ишининг эркинлаштирилиши, кредит ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш ва иқтисодиётни молиялаштириш юзасидан янги хизматларни

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 2008. Т.16. – Б. 206.

амалиётга киритишни талаб қилди. Республикада банк тизими кейинги йилларда ҳар томонлама ривожланди, иқтисодий салоҳияти кескин ўсди, миқозларга молиявий ва кредит хизмати кўрсатиш сифати давр талаби даражасига кўтарилди, банк хизматининг бир қатор янги, замонавий, янада самарали усуллари жорий этилди. Булар қаторига банкларнинг кредит фаолияти билан боғлиқ скоринг, пластик картлар билан операцияларда онлайн ва клик, пенсионерларга пластик картлар орқали тақдим этиладиган кредитлар ва бошқа шу каби операцияларни жорий қилиш киради.

Тадқиқотнинг предмети. Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида тижорат банклари кредитларини бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Замонавий иқтисодий муҳит тижорат банклари фаолиятида мавжуд муаммоларнинг олдини олиб, мамлакатимиз банк ишининг самарадорлигини ошириш асосида ҳалқаро банк амалиётига мос келувчи тижорат банклари кредит портфелини самарали бошқариш механизмини яратишни тақозо этади.

Бундан ташқари кредитлаш механизми етарлича ишлаб чиқилмаганлиги тижорат банкларининг кредит портфелига салбий таъсир қилмоқда. Хозирги кунда миқознинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш тизими такомиллашмаганлиги; банк-кредиторнинг ликвидлигини белгилаб берувчи асосий статистик иқтисодий факторларнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги; миқознинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш ва бу борада банклар томонидан қарор қабул қилиш жараёни етарли даражада шакллантирилмаганлиги каби муаммолар кредит портфели сифатининг пасайишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва ҳалқаро банк амалиётида кредитлаш жараёнида қарор қабул қилишда асосан кредитга лаёқатли бўлган қарз олувчилар кўриб чиқилади. Бунда маълум бир қарздорни кредитлашда кредит

суммасининг лимити қуйидаги молиявий кўрсаткичлар асосида аниқланади: қарздорнинг хусусий капитали (мухторийлик коэффиценти, капиталнинг умумий қарздорликка бўлган нисбати); қарздорнинг даромадлилиги (тушумларнинг рентабеллик коэффиценти, умумий капиталнинг рентабеллик коэффиценти, хусусий капиталнинг рентабеллик коэффиценти); қарздорнинг тўловга лаёқатлиги (қоплаш коэффиценти, лаҳзалик ликвидлик коэффиценти, дебиторлик ва кредиторлик билан боғлиқ бўлган коэффиценти). Кредитга лаёқатлигини бундай баҳолаш усулида етарлича назарий-методологик ишлаб чиқилмаганлик, юқоридаги кўрсаткичлар рейтинг асосида етарлича иқтисодий асослантилмаган ҳолда кредит суммаси лимитини белгилаш каби муаммолар мавжуд.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг мақади бўлиб Республикамиз тижорат банклари томонидан иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида кредитларини бошқариш самарадорлигини ошириш жараёнидаги мавжуд камчиликларни аниқлаш, банк кредитлаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда рискларини камайтириш юзасидан аниқ амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Қўйилган мақсад қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақазо этади: тижорат банклари кредит портфелини шакллантириш ва бошқариш назарияси, амалиёти ҳамда кредитлаш методларини таҳлил қилиш;

-кредит хатарларининг иқтисодий моҳиятига таъриф бериш, уларни ҳисоблаш усулларини тадқиқ қилиш ва банк амалиётида тадбиқ қилиш эҳтиёжини асослаш;

-мамлакатимиз банк амалиётида қарз олувчининг кредитга лаёқатлигини баҳолашда қулланилаётган усулларни методологик-иқтисодий жиҳатидан таҳлил қилиш;

-тижорат банклари кредитларини бошқариш бўйича хориж ва мамлакатимиз банк амалиётларини таққослаш;

-бугунги кунда кредитни самарали бошқаришни ташкил қилиш мақсадида амалдаги банк қонунчилигига ўзгартириш киритилиши юзасидан таклифлар бериш;

-Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлар бериш ҳолатини ва уни бошқариш амалиётини тадқиқ қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбекистонда банк тизими кредитини бошқариш самарадорлигини ошириш учун муҳим бўлган омиллар аниқланди. Муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш мақсадида вақтинча молиявий нобарқарор бўлган қарз олувчининг истиқболдаги молиявий ҳолатини пухта таҳлил қилган ҳолда уни қушимча равишда кредитлаш амалиёти ишлаб чиқилди;

-Республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан бир қатор аниқ амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди: жумладан, тижорат банклари кредит портфелини диверсификация даражасини ошириш йўллари асослаб берилди; юқори ликвидли гаров объектларини етишмаслик муаммоси асослаб берилди.

-Мамлакатимизнинг тижорат банклари томонидан қарз олувчининг кредитга лаёқатлигини баҳолаш усули методологик-иқтисодий жиҳатдан етарлича ишлаб чиқилмаганлиги илмий асослаб берилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Диссертация ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши тижорат банкларида кредит сиёсатини олиб бориш, фаолиятини модернизациялаш ва банк кредитларини жалб қилиш жараёнларини ривожлантириш борасида

мавжуд иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш йўллари излаб топишга олиб келиши мумкин ва улар қуйидагиларда намоён бўлади:

– бозор муносабатлари шароитида банк кредитлари билан таъминланган реал секторни бозор тизимидаги ва таркибий ўзгаришларда ўрни асослаб берилди;

– тижорат банклари кредитларни шакллантиришда реал сектор ўртасидаги ўзаро кредит муносабатларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар берилди;

– тижорат банкларида кредит таркибий ўзгаришларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар таклиф этилди.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини баҳолаш ва ундаги мавжуд боғланишларни аниқлаш учун кредитнинг моҳиятини билиш етарли эмас. Банклар томонидан амалга оширилаётган кредитлаш жараёни юзасидан барча маълумотларни ўзида мужассам қилган кредит портфелининг шакллантириш ва бошқариш жараёнларини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонлик олим Ё.Абдуллаевнинг ўтказган тадқиқотларига кўра кредит қўйилмалари хажмининг ошиши натижасида кредит портфелининг сифати сақланиб қолади. Тармоқлар бўйича кредитлашнинг кўлами мамлакат иқтисодий ҳолатига боғлиқ бўлиши таъкидлаб ўтилган.

Ё.Абдуллаев ва Ш.Ташматов, олимлари банк кредит порфелини шакллантирнинг комплекс ёндошуви юзасидан тадқиқот олиб борганлар. Улар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда кредит тақдим қилиш бўйича қарорлар қабул қилишда ёрдам берувчи қарздорнинг кредит рискин, бозор ва банк ликвидлиги рисklarини комплекс таҳлил қилиш методикаси келтирилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот методлари сифатида билишнинг диалектик усули, илмий мушоҳадалаш, мантиқий ва қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, монографик кузатиш, математик ва статистик гуруҳлаш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда хориж давлатлар тижорат банклари кредитларини бошқариш механизми қиёсий таҳлил қилинган ва мамлакатимиз банкларининг кредитларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун қарз олувчининг тўловчанлик қобилияти кредитдан тўғри фойдалана олишлиги ва ундан кредитга лаёқатлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш муҳимлиги, кредит портфелининг сифатини ошириш учун банк қонунчилигида қўшимча кредитлаш юзасидан ўзгартиришлар киритилиши лозимлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланган.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертацияси кириш, асосий қисмда учта боб, саккиз бўлим, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 85 бет, 2 та чизма 4 та жадвал, 1 та диаграммадан иборат.

Асосий қисмнинг “Иқтисодиётни реал сектори билан банк тизимининг ўзаро алоқаларини назарий-метадологик асослари” биринчи боби иқтисодиётда реал сектор моҳияти ва унинг таркиби, банк тизими мазмуни, элементлари, ва уни ташкил этиш принциплари, банк тизими ва иқтисодиётни реал сектори ўзаро ҳаракати йўналишлари иқтисодиётни ўрганиш масалаларига бағишланган.

“Иқтисодиётни реал секторига банк хизматлари ва уни ҳозирги ҳолатини баҳолаш” деб номланган иккинчи бобда мамлакатимизда банк капиталини шакллантиришнинг етарлигини баҳолаш асослари, банк тизимида

иқтисодиётни реал секторига хизмат кўрсатиш динамикаси таҳлили ҳамда банк кредитларидан фойдаланиш даражаси тадқиқ этилган.

“Ўзбекистон банк тизими билан иқтисодиётни реал сектори ўзаро алоқалари истиқболлари” номли учинчи бобда эса банк тизими ва иқтисодиётни реал секторининг ўзаро алоқаларини ривожлантириш, банкларни банк хизматларига талаб мониторинг шакиллантириш, тижорат банкларида кредит сиёсатини такомиллаштириш йўллари ва истиқболлари ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда тижорат банк кредитни ривожлантиришнинг истиқболли йўллари хусусида фикр юритилади.

Ишнинг хулоса қисмида олиб борилган тадқиқот натижаларида олинган хулосалар, таклиф ва тавсиялар ўз аксини топган ҳамда иш якунида тадқиқот давомида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

I. БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ РЕАЛ СЕКТОРИ БИЛАН БАНК ТИЗИМИНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИНИ НАЗАРИЙ-МЕТАДОЛОГИК АСОСЛАРИ.

1.1. Иқтисодиётда реал сектор моҳияти ва унинг таркиби.

Иқтисодиётни реал сектори (ИРС) (инглизча – real sector of economy)- иқтисодий ва қонуний белгиланмаган иқтисодий атама ҳисобланади ва маълум ҳудуддаги фаолияти маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган кичик, ўрта ва йирик (индустриал) корхоналари бирлаштирадиган иқтисодиёт соҳасидир.

Миллий иқтисодиётни дунё бозорида ўз ўрни топиши, яъни маълум «дарчани» эгаллаши учун унинг рақобатдошлик даражаси доимий равишда ўсиб бориши лозим. Ушбу мақсадларга эришиш учун миллий иқтисодиётни барча соҳаларида техник ва технологик янгиланиш амалга оширилиши керак. Бу борада фан ва техника ютуқлари, ишлаб чиқаришни бошқарувининг (менежмент) янги усуллари доимий равишда жорий этиш орқалигина эришиш мумкин.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда кейинги йилларда фан ва техника ютуқларини ва ишлаб чиқариш бошқарувини янги усулларини жорий этиш билан бирга, инсон капитали ривожига жуда катта эътибор берилмоқда. Информацион технология, роботлар, био-, нанотехнологияларни ишлаб чиқариш жараёнига кенг жорий этилиши муносабати билан меҳнат ресурсларининг касбий малакасини ошириш катта аҳамият касб этиб, кўларнинг сифати мамлакатни рақобатдошлигини ва кейинги йилларда ўсишини таъминлайди.

Мамлакатни жаҳон ҳамдўстлигидаги ўрнини реал секторинг ривожланиш даражаси ва рақобатдошлиги белгилайди.

Иқтисодий атамаларда иқтисодиётни реал секторига турлича таъриф берилади ва қуйида биз уларни бир нечтаси билан танишамиз:

Иқтисодиёт сектори - бу иқтисодиётни йирик таркибий қисми бўлиб, у турли ишлаб чиқариш соҳаларини ўхшаш тавсифлар, иқтисодий мақсадлар, функциялари орқали бирлаштиради ва назарий ҳамда амалий жиҳатдан иқтисодиётни бошқа қисмларидан фарқ қилади.

Иқтисодиётни реал сектори-бу иқтисодиётни материал-буюм маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, номатериал бойликни яратувчи ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига оладиган соҳа. Реал секторга молия-кредит, биржа фаолияти кирмайди.

Иқтисодиётни реал сектори капитални спекулятив ҳаракати истисно қилган ҳолда иқтисодиётни тузилмавий қайта қуриш ва иқтисодий ўсиш жараёнларини бирлаштирадиган соҳа.

Иқтисодиётни реал сектори - бу иқтисодиётни муҳим сектори бўлиб, тўғридан тўғри маҳсулот ишлаб чиқариш, даромад олиш ва бюджет даромадлари тушумини таъминлайди. Ишлаб чиқариш, маҳсулот ишлаб чиқариш соҳаси унинг иқтисодий атама синонимлари ҳисобланади.

Иқтисодиётда реал секторни самарали фаолият юритишида молиявий сектор муҳим ўрин эгаллайди.

Молиявий сектор - бу қарз олиш ва уни қайтариш билан боғлиқ бўлган амалиётни ижро қиладиган воситалар ва институтлар тўпламидир. Молиявий тизим мулк эгаллигини капиталдан ажратиш имкониятини беради. Молиявий сектор реал секторнинг молиявий томондан қуллаб-қувватлаб, унинг ривожланишига молия ва пул муносабатларни юзага келиш муҳим рол ўйнайди.

Реал секторда ЯИМни асосий қисми яратилади ва унинг моддий ишлаб чиқарувчи энг муҳим таркибий қисми саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида иқтисодий ресурслар қайта ишланилиб, моддий неъматлар ва истеъмол товарлари яратилади. Уларнинг ривожланиши аҳоли даромадларини ошиши, турмуш фаровонлигини ўсиши учун имконият яратиб, таълим, тиббиёт, маданият соҳалари ривожини учун молиявий-моддий асос яратади.

Ишлаб чиқариш ўз навбатида қуйдагиларга секторларга бўлиниши чизма асосида кўрсатилади. **(1.1-чизма)**

1.1-чизма

РЕАЛ СЕКТОР ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ¹.



³ Р.Хасанов, Х.Асатуллаев, Қ.Сувонқулов, Х. Хақимов. Реал сектор иқтисодий ва уни прогнозлаш: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. -Т.:Иқтисодий-молия, 2013 6 бет. Мауаллиф томонидан тайёрланди.

Иқтисодиётда реал сектори иккига бўлинади. Булар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришдир.

Иқтисодиётни барқарор ривожланиши мамлакатда моддий ишлаб чиқариш соҳалари учун яратилган ҳуқуқий-меърий шароит билан узвий боғлиқдир. Чет эл ва ички инвестицияларни жалб этиш учун инвесторларга ҳуқуқий кафолат берилиши ва уни ижроси давлат томонидан кафоланганиши лозим.

Реал сектор ривожига ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, илмий-техник тараққиёт даражаси, пул-кредит тизими ҳолати, солиқбюджет тизими, давлатнинг инвестицион сиёсати, мамлакатнинг тўлов қобилияти ҳолати таъсир қилади.

Реал сектор ривожини, натижада иқтисодий ўсишни моддий ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашга йўналтирилган тўғридан тўғри капитал қўйилмалар миқдори ҳамда инновациялар таъминлави.

Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти шароитида реал секторга мамлакатнинг молиявий сектори ҳолати таъсир кўрсатади. Жумладан, фоиз ставкалари даражаси, фонд биржалари, суғурта тизими ва бошқалар.

Иқтисодиётни реал секторига маҳсулот ишлаб чиқариш билан, номатериал бойлик яратиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам киритилади. XX аснинг иккинчи ярмидан бошлаб реал сектор инфратузилмасида катта ўзгаришлар рўй берди.

Иқтисодиётни реал секторига моддий ва номоддий бойликлар яратиш соҳалари ҳамда хизмат кўрсатиш секторлари киради. Иқтисодий ривожланиш натижасида ишлаб чиқариш соҳаларида тузилмавий ва таркибий ўзгаришлар юз беради. Масалан, XX аснинг 2-ярмидан бошлаб фан ва техника ривожланиши, меҳнат унумдорлигини кескин ошиши натижасида реал секторни тузилмавий таркибида моддий ишлаб чиқариш соҳалари билан хизмат кўрсатиш соҳалари

ўртасидаги нисбат ўзгарди. Иқтисодий ривожланган, ҳозирда «информацион, постиндустриал» деб номланувчи давлатларда хизмат кўрсатиш секторида иш ўринлари сони кескин кўпайиб, моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан деярли 2 марта кўпдир. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги, қазиб олиш соҳаларидаги иш ўринлари мутлақ ва нисбий камайди. Қайта ишлаш соҳаларидаги бандлик ҳам қисқармоқда.

Бугунги кунда реал сектор иқтисодиётини прогнозлаш масаласи давлатнинг миллий иқтисодиётни бошқариш сиёсатини такомиллаштириш ва уни тартибга солишда муҳим бир омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатда иқтисодиёт, айниқса реал сектор ривожининг 20-50-йилга мўлжалланган прогнозлаш режалари ишлаб чиқилган. Бу борада информацион технологияларнинг ривожланиши ва дастурлами ишлаб чиқарилиши муҳим аҳамият касб қилмоқда. Реал сектор тармоқларини мутаносиб ривожлантиришни узоқ муддатли прогнозлаш, уларни фаолиятидаги муаммо ва камчиликлами белгилашда, шунингдек, уларни самарали бошқариш тизимим яратиш имкониятини беради. Умумий тасаввурда прогнозлаш ўрганилаётган объектни келажакда кутилиши мўлжалланган жараёнларни олдиндан билиш эҳтимоллигидаги тасаввурдир. Ҳар бир иқтисодий муносабатлар жараёнини ривожланиш жараёнини олдиндан билиш юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш, ёки унинг салбий оқибатларини камайтириш имкониятини беради. Чунки, прогнозлаш жараёни ўрганилаётган объектнинг турли жиҳат ва хусусиятларини мантиқан очиқ бера оладиган фаолият кўрсаткичларини ҳисобга олиш ҳамда таҳлил қилиш заруриятини туғдиради. Айнан тўғри қилинган ҳисоб-китоб таҳлиллар келажакда кутиладиган зарарларнинг олидини олади.

Реал сектор иқтисодиёти ва уни прогнозлаш жараёнининг моҳиятини, миллий иқтисодиётнинг тармоқлари ривожини истиқболини белгилашни ўрганиш

ва уни ҳаётга татбиқ қилиш келажакда мамлакатни барқарор ривожланишини таъминлаш имкониятини беради.

Реал сектор иқтисодиёти ва уни прогнозлашнинг асосий мақсади - иқтисодиётнинг реал секторининг истиқболли кўрсаткичлари ва маълумотларининг ҳаққонийлигини таъминлаш, миллий иқтисодиётимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда унинг истиқболлини белгилаш бўйича амалий тавсиялар бериш кабиларни қамраб олади.

Унинг вазифаси эса миллий иқтисодиётнинг реал секторидаги тармоқ ва соҳалар фаолиятини ташкил қилишнинг иқтисодий ҳамда назарий асослари; реал сектор иқтисодиётининг хўжалик юритувчи субъектлари бўйича таркибий тузилмаси, миллий иқтисодиётдаги тармоқ ва соҳалар фаолиятининг истиқболлини белгилаш бўйича кўрсаткичлардан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақидаги назарий-амалий билимларни ўргатишдан иборат.

Реал сектор иқтисодиётида прогнозлаш - бу ишлаб чиқариш соҳалари ва хизмат кўрсатувчи корхоналарининг ҳамда иқтисодиёт субъектларининг иқтисодий ҳолати ва фаолият натижаларини қай йўсинда давом эттириш, истиқболли стратегиясини белгилаш тўғрисида малакавий хулса беришдан иборатдир.

Шу боисдан ҳам реал сектор иқтисодиёти ва уни прогнозлаш республикамиз иқтисодиёти субъектлари, тармоқ ва соҳалар фаолияти хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг таркибий тузилмаси, ўзгариши ва қонуниятларини прогнозлаш ҳамда уни истиқболлини белгилашда муҳим рол ўйнайди.

Яъни реал сектор деганда нафақат моддий маҳсулот ишлаб чиқариш тизими, балки хизматлар кўрсатиш, фан, савдо соҳалари ҳам назарда тутилади. Иқтисодиётга тааллуқли молиявий, кредит ва биржа операциялари бундан мустаснодир.

Макроиқтисодиётнинг реал секторида турли товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш юз берса, молиявий секторда иқтисодий субъектларнинг талаб ва таклифни шакллантирувчи пулга оид ўзаро муносабатлари амалга оширилади.

Моддий товар таъминоти ҳамда бозор субъектларининг бозор тизими ривожланиши учун шароитлар яратувчи иқтисодий ўзаро муносабатлари йиғиндисини ўз ичига олувчи тизим реал сектор инфратузилмаси, деб номланади. Унинг таркибига, биринчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси – моддий маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ва компаниялар бирлаштирилади. Бунга саноат, транспорт, савдо, телекоммуникация, маркетинг кампаниялари киради. Иккинчидан, ноишлаб чиқариш инфратузилмаси – моддий маҳсулот ишлаб чиқармайдиган ва харидор билан сотувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмайдиган ташкилотлардан иборат. Улар ўз ичига товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатувчи янги ғоялар, асбоб-ускуналар, технологияларнинг ривожланишига ёрдам берувчи илмий ташкилотлар ва компаниялар, қонунлар ва норматив ҳужжатларни қабул қилиш ёрдамида ўзаро муносабатларнинг шаклланишини тартибга солувчи давлат тузилмалари, турли хизматлар кўрсатувчи, товарларга бўлган талабни юзага келтирувчи ва харидор билан сотувчининг алоқаларини ўрнатувчи ижтимоий ташкилотлар (соғлиқни сақлаш, маданият, таълим)ни қамраб олган.

Реал секторнинг тармоқ инфратузилмаси турли тармоқлар ва иқтисодий фаолият турларига бўлинади. Унинг қисмлари ўзаро боғланган бўлиб, кўпинча ўзаро кесишади ва бир-бирини алмаштиради.

Реал сектор ҳолатини тавсифлаш ёки баҳолаш учун кўп сонли кўрсаткичлар қўлланилади. Улар ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, соф иқтисодий фаровонлик, яъни аҳоли турмушининг сифатини намойиш этувчи,

атроф муҳитнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар, миллий бойлик – аввалги ва ҳозирги авлод меҳнати билан ишлаб чиқарилган (ижтимоий бойлик) ва ресурсларни такрор ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилган (табиий бойлик), муайян вақт мобайнида умумий фойдаланиладиган моддий ва номоддий неъматларнинг умумий ҳажмидан иборат.

Иқтисодиётнинг реал секторини тартибга солиш соҳасида давлат саноат ва таркибий ўзгартиришлар сиёсатини амалга ошироқда. Саноат сиёсати – бу давлат томонидан амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, илмий-техникавий ютуқларни ўзлаштириш, саноат таркибини яхшилаш ва тайёр маҳсулотни экспорт қилишни ривожлантиришга йўналтирилган узоқ муддатли чора-тадбирлар йиғиндисидан шаклланган.

Таркибий ўзгартиришлар сиёсати – давлатнинг иқтисодиётни ўзгартирувчи бозор шароитларига мослаштиришда иштирок этиши жараёнини ўзида намоён этади. Давлатнинг вазифаси иқтисодиётнинг муайян таркибий қисмлари (тармоқлар ва секторлар, корхоналар, фаолият йўналишлари, иқтисодий ҳудудлар)ни қўллаб-қувватлаш ва юзага келадиган харажатларни бартараф этишдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётимизнинг реал сектори–бу иқтисодиётнинг асосий моддий неъматлар яратувчи қисмидир. Мазкур секторнинг барқарор ўсиш тенденциялари, рақобатбардошлигининг ижобий томонга ўзгартириб бораётганлиги ва реал сектор манфаатларининг молиявий сектор манфаатлари билан мувофиқлиги иқтисодий ривожланишга сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.

1.2.Банк тизими мазмуни, элементлари, ва уни ташкил этиш принциплари

Банк юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш пул маблағларини депозит ва омонатларга маълум фоиз тўловларини тўлаш шарти билан қабул қилиб, ушбу маблағларни жамиятнинг фаол қатламларига маълум фоиз

тўловларини олиш мақсадида йўналтирадиган ва бу икки турдаги фоиз тўловлари ўртасидаги фарқ ҳисобига асосий даромади шаклланадиган муассасадир.

Банклар қадимги муассасалардан бўлиб, дастлаб танга пулларни сақлаб берувчи хазиначи сифатида пайдо бўлган. Олтин тангаларни, пулларни Европада қадимги черков муассасалари сақлаб берган. Кейинчалик бундай сақланиб турган бўш пул маблағларини унга муҳтож бўлганларга фоиз билан (даромад олган ҳолда) қайтариб олинадиган, яъни ссуда операциялари ҳамда турли мамлакатлар ва шаҳарларнинг тангаларини ўзаро айирбошлаш бўйича эҳтиёж туғилгани учун пулларни айирбошлаш операциялари амалга ошира бошланган. Шу боисдан “Банк” сўзи италянча “Бансо” сўзидан олинган бўлиб, яъни айирбошловчининг олдидаги стол маъносини билдиради. Аста-секинлик билан иқтисодий муносабатлар ривожланиши билан банклар кўрсатадиган хизмат турлари (пулларни сақлаш, айирбошлаш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ссуда бериш ва ҳоказолар) кўпайиб, банклар, иқтисодиётнинг муҳим субъектларига айланиб қолди. Ҳозирги пайтда барча ривожланган мамлакатларда икки поғонали банк тизими қабул қилинган. Ўзбекистонда ҳам жаҳонда қабул қилинган икки поғонали банк тизими жорий қилинган бўлиб: биринчи поғонали банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобланади; иккинчи поғонали банкларга эса барча тижорат банклари киради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлат банки ҳисобланиб, ўз фаолиятини 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун асосида юритади. У юридик шахс сифатида иқтисодий жиҳатдан мустақил (маблағлари давлат бюджетидан ажратилиб ташкил этилган) бўлсада, харажатларини ўз фаолиятидан олган даромадлари ҳисобидан қоплайди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот беради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг

тавсиясига биноан Марказий банк бошқаруви раисини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий вазифалари:

- мамлакатда пул-кредит сиёсатини амалга ошириш;
- миллий валютани эмиссия қилиш;
- барча тижорат банклари устидан назорат ўрнатиш ва ҳоказолар.

Тижорат банклари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунга асосан юритадилар. Бу қонуннинг 1-моддасига кўра “Банк - тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;
- тўловларни амалга ошириш”.

Барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислохотлар натижасида сезиларли силжишлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини босқичма-босқич барпо этиш билан ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда. Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунларидан бири бўлиб молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Шунинг учун мустақил давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва келажакдаги тараққиёти аввало мазкур мамлакатда барпо этилган ва мунтазам равишда такомиллаштириб бориладиган банк тизимининг фаолиятига боғлиқдир.


Банкларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўз маблағлари билангина эмас, балки омонатчилар ва кредиторлар, акциядорлар ҳамда мижозлар уларга ишониб топширган маблағлар билан, йъани кенг жамоатчилик билан иш кўради. Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими энг зарур жамоатчилик муассасалари тизимларидан бири экан, ҳар қандай банкнинг муваффақияцизлиги бутун жамият миқёсида пул таклифи қисқариши, тўлов тизими бузилиши ҳамда ҳукумат йирик ва кутилмаган мажбуриятларининг вужудга келиши каби салбий макроиқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кўпгина муҳим иқтисодий ислохотларнинг таркибий қисми сифатида банк тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга оширилишини ва иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солишнинг бир бутун механизмини яратилишини тақозо этмоқда. Ўзбекистон республикасини биринчи Президенти томонидан белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётни барқарор, мувозанатли ва изчил ривожлантиришнинг белгиланган прогнозларига эришилди ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги таъминланди.

2016 йил 13 январ ҳолатига кўра 3 та давлат банки, 11 та акциядорлик тижорат банклари ва 8 та хусусий банк, 5та чет эл капитали иштирокидаги банклар мавжуд. (1.2- чизма)¹.

1.2- чизма

Ўзбекистон Республикасидаги банкларнинг таркиби



Иқтисодий ривожланишнинг ўсиши банк кредитининг қўлланилиш кўламини кенгайтириб боради. Кредит фақатгина ҳар кунлик фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг қисқа муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки узок муддатга капиталга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтирилади. Банк кредитининг манбаи фақат вақтинча бўш маблағлар ва капитал бўлиб қолмасдан, кредит асосида чек-депозит эмиссияси ҳам амалга оширилади. Банк томонидан бериладиган кредит миқдори мавжуд жамғармалардан кўп бўлса, банк чек-депозит эмиссиясини амалга ошириши мумкин. Банк тизимининг муомалага кредит пулларини чиқариши депозитлар

⁴ Марказий банк ҳисоботидан

яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради. Республика банк тизимини автоматлаштириш ва компютерлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида нафақат банкнинг ички эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ахборот тизими ва локал дастурлар мажмуи, балки иқтисодиётнинг молиявий фаолиятини таъминловчи яхлит миллий тўлов тизими яратилди.

Тижорат банклари мамлакат банк тизимининг иккинчи бўғинидаги молиявий муассаса ҳисобланади. Қонунчилик ҳужжатлари ва иқтисодий адабиётларда тижорат банклари жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб қилиб, ушбу маблағларни тегишли шартлар (тўловлилик, қайтаришлик, муддатлилик, таъминланганлик, мақсадлилик) асосида иқтисодиётнинг турли тармоқларига жойлаштирадиган, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларга

тўлов ҳисоб – китобларни амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатадиган тижорат ташкилотлари сифатида таснифланади.

Замонавий шароитда тижорат банкларининг жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатадиган воситачилик операциялари ва хизмат турлари ортиб бормоқда. Тижорат банкларининг ушбу муносабатлари тижорат асосида ташкил этилади. Бундан кўришиб турибдики, тижорат банкларининг фаолияти тижоратга асосланган бўлиб, уларнинг асосий фаолияти юқори даражада фойда олишга йўналтирилади. Бирок, тижорат банклари ишлаб чиқариш корхоналаридан фарқли ўларок, ўз фойдасини қўшимча қиймат ишлаб чиқариш ҳисобидан эмас балки, корхона, ташкилотлар ва аҳоли ихтиёридаги вақтинчалик бўш пул маблағларини тегишли шартлар асосида жалб қилиб, ушбу маблағларга эҳтиёжи мавжуд бўлган шахсларга тижорат йўсинда бериш, пул маблағларини айланмасидан, ҳисоб рақамларни юритишдан, мижоз ҳисоб рақамидан маблағларни кўчириш орқали фойдасини шакллантирадиган ўзига хос молиявий муассаса ҳисобланади.

Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташкил этилиши бевосита мустақиллик йилларига тўғри келади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар “банк тизимини фақатгина бир неча банклар, яъни СССР Давлат банки, Ташқи иқтисодий фаолият банки, Қурилиш банки ва Давлат меҳнат омонат жамғармалари кассалари мавжуд бўлиб, иттифоқдош республикаларда ушбу банкларнинг республика, вилоят идоралари ва туман бўлимлари фаолият кўрсатар эди”.

Ўзбекистонда дастлабки тижорат банкларини ташкил этилишининг ҳуқуқий асоси бўлиб 1991 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни хизмат қилди.

Албатта, мамлакатимизда бозор муносабатларининг такомиллашуви ва иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви натижасида тижорат банклари мақоми,

капитали ва фаолиятига қўйилган талаблар доимий равишда ўзгариб бормоқда. Буларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрирдаги матни 1996 йил 25 апрелда қабул қилинди. Мазкур қонун мамлакатимиз банк тизими, хусусан тижорат банкларини ташкил топиши ва ривожланишига мустаҳкам ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ташкил этилган дастлабки тижорат банки Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳисобланади. Кейинчалик, “1994 – 1995 йилларда ихтисослаштирилган “Асака” банк (автомобил саноатини қўллаб қувватлаш учун), “Ғаллабанк” (ғалла етиштиришни молиялаштириш учун), “Пахтабанк” (қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб – қувватлаш учун) яқка хўжаликларни қўллаб – қувватлаш учун “Тадбиркор” тижорат банки ташкил этилди”.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари акциядор мулкчилик шаклида ташкил этилади. Бу борада 1998 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик – тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра, тижорат банкларини бошқаришда акциядорларнинг ва банк кенгашларининг роли оширилди.

Тижорат банклари фаолияти унинг бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. Банкнинг бошқарув органи қуйидагилар ҳисобланади:

акциядорлар умумий йиғилиши;

банк Кенгаши (кузатув кенгаши);

банк Бошқаруви.

Акциядорлар умумий йиғилиши банкнинг олий бошқарув органи ҳисобланади. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлоқ ваколатига кирувчи масалалар банк Кенгаши ёки Бошқарувига топширилмайди. Банк Кенгашининг миқдорий таркиби устав ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра

белгиланади. Акциядорлар сони 500 гача бўлган очик турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги банкларнинг банк Кенгаши миқдорий таркиби камида беш аъзодан, 501 дан 1000 гача бўлган банкларда камида етти аъзодан ва 1000 дан ортиқ бўлган банкларда камида 9 аъзодан иборат бўлиши лозим.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги банкларнинг банк Кенгаши аъзолари умумий сони акциядорлар сонидан қатъи назар бештадан кам бўлмаслиги керак.

Ўзбекистонда тижорат банкларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 9 сентябрда тасдиқланган "Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида"ги 22 – сонли Низом асосида амалга оширилади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар мамлакатимиздаги барча тижорат банклари мазкур низомга асосан ташкил этилади ва тугатилади.

Марказий банк тижорат банкларига банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилишда асосий омил бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

бизнес режанинг мақбуллиги; капиталнинг

адекватлиги;

даромадлиликнинг келгуси истиқболлари;

кўзда тутилаётган раҳбарнинг малакаси ва обрў – эътибори;

банкни очиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг амалдаги

қонунчиликка мувофиқлиги; монополияга

қарши чоралар.

Дастлаб ташкил этилаётган банкларнинг устав капиталида банкларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди, хорижий капитал иштирокидаги банклар ва шуъба банкларни ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно.

Ташкил этилаётган банкнинг устав капиталида бир акциядорнинг улуши йигирма фоиздан ортиқ Марказий банкдан олдиндан розилик олиниши лозим. Бир акциядор ёки ўзаро боғланган акциядорлар гуруҳининг тижорат банки устав капиталидаги улуши устав капитали умумий миқдорининг 25 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Янгидан ташкил этилаётган тижорат банкларининг муассислари молиявий жиҳатдан барқарор бўлишлари лозим. Муассисларнинг молиявий барқарорлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

балансинг ноликвидлиги;

тўловга қобилиятсизлик ёки банкротлик;

юридик шахс расмий равишда банкрот деб эълон қилинишидан қатъи назар унинг пассивлари активларидан ошиб кетиши; юридик шахс тақдим этган шахс зарур ҳолларда устав капиталини

ошира олмаслигини кўрсатса; банкда мулк сотиб олиниши кўзда тутилиши натижасида банкка ёки унинг омонатчиларига молиявий хавф солиниши мумкинлигини кўрсатувчи бошқа ҳоллар маълум бўлса.

Тижорат банкларини ташкил этишда барча шахслар ҳам иштирок этиши мақсадга мувофиқ келмайди. Бундай шахслар таркибига:

банкротликка учраган юридик шахснинг собиқ раҳбарлари, бошқаруви ва кузатув кенгаши аъзолари ёки йирик иштирокчиси ва юридик шахснинг банкротлиги уларнинг ҳаракатлари оқибатида юзага келганлиги фактлари маълум бўлса;

ўзининг ишбилармонлик ва шахсий хаттиҳаракатида ишларни нотўғри бошқариш ва виждонан юритиш мумкин эмаслигини намоён қилган шахслар.

оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар; давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, бюджетдан ташқари фондлар, бюджет

муассасалари ва ташкилотлари, агар бошқа ҳолат қонунларда кўзда тутилмаган бўлса.

Янгидан ташкил этилаётган тижорат банклари қуйидаги таъсис ҳужжатларини Марказий банкка тақдим этиши лозим:

а) муассислар томонидан имзоланган ва уларнинг муҳрлари билан тасдиқланган таъсис шартномаси;

б) муассис – акциядорлар йиғилиши томонидан тасдиқланган ва банк Кенгаши раиси томонидан имзоланган банк устави;

в) таъсис йиғилишининг баёни.

Бу ҳужжатда банкни ташкил этиш, устав капитали миқдори, устав ва бизнес–режани тасдиқлаш, банк Кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқарувини сайлаш тўғрисидаги қарор бўлиши лозим. Мустақилликка эришгандан ҳозирги кунгача бўлган даврда турли мулк шаклидаги қатор банклар ташкил этилди, уларнинг асосий қисми мамлакатимиз молия – кредит бозорида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклар иқтисодиётнинг муҳим молиявий “қон томирлари” ҳисобланиб, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш мамлакатнинг тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилиб доимий равишда ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда. **1.3.**

Банк тизими ва иқтисодиётни реал сектори ўзаро харакати йўналишлари

Банк тизими иқтисодиётни хавфид ривожланиши ва умумий барқарорлигини таъминловчи муҳим муассасдир. Иқтисодий ўсишда банклар роли тўғрисида ҳозирги давр назарий тасаввурлари шундаки, нисбатан ривожланмаган қтисодиётда банклартаъмилланган молиявий бозорни деярли тўласича ташкил қилади. Бозор иқтисодиёти нуқтайи назаридан ривожланмаган иқтисодиётда ақия ва облигациялар бозори катта роль ўйнамайди.

Агар банк тизими ҳам заиф бўлса капитал қўйилмаларни катта қисми ўзўзини молиялаштириш тизимида амалга оширилади. Бу ишлаб чиқариш цикилини узоқ муддатлилигида катта қийинчиликлар билан боғлиқ. Чунки инвестицион харажатлар билан улардан фойда олиш ўртасида узоқ вақт узилиш мавжуд. Бу ҳолада лойиҳанинг амалга оширишда узилишга олиб келиши мумкин бўлган ликвидликни сўнгида кўзда тутилмаган эҳтиёжларга инвесторлар дучор бўлиши мумкин.

Иқтисодиёт субъектлар ликвидлилигида даб-дурисдан келиб чиққан эҳтиёж ҳолатида мустақил суғирталаниш имкониятларини ундиришга мажбур бўлади. Бу, ўз навбатида унумсиз ликвидли активларга инвестицияларни хаддан ташқари ортишига олиб келади. Шундай экан банк секторини заифлиги капитални жамғариш учун жамғармалар тузилмасига салбий таъсир ўтказиш мумкин.

Ғарб иқтисодчилари Демиргал-Кант ва Левайнлар тақрибан 150 та мамлакат статистик маълумотларини молиявий тизимини таҳлил қилиб таққосладилар. Бундан мақсад аҳоли жон бошига даромадларни турли даражаси банк тизими ишига қандай таъсир қилаётганини таҳлил қилиш эди. Улар шундай хулосага келдиларки. Молиявий тизим заиф ривожланган мамлакатлар банк тизимини тартибга солиш орқали ҳаракат қилишига мойил. Банк тизимини ликвидлиги ва ривожланганлик даражаси иқтисодиёт ўсиши бўлаётган меъёрлари билан чамбарчас капитални жамғариш, меҳнат унимдорлигини оширишга тартиб ҳам боғлиқ.

Шундай қилиб, етарли даражада ривожланмаган иқтисодиётда барқорор иқтисодий ўсишни таъминлашда банк сектори билан реал иқтисодиётни пропорционал, био-бирига мувофиқ ривожлантириш учун имконият яратишда етакчи роль ўйнайди.

Ҳозирги даврда банк тизими билан реал сектор иқтисодиётини бирбирига мувофиқ ривожлантириш вазифаси тобора кўпроқ аҳамият касб этиб бормоқда. Улар манфатларнинг мос келмаслиги ривожланиш йўналишлари ва сураглари тартибга солиш механизминини йўқлиги туфайли юз беради.

Иқтисодий секторларни ривожлантириш йўналишларидаги номутаносиблик сабаблари асосида бошқариш мувофиқлаштиришни тузилмавий тизимини ташкил қилувчи алоқаларни заифлашганлиги (бузилганлиги) ётади. Банклар ва корхоналар манфатлари тизимининг мувофиқлаштириш асослари бўлиб улар имкониятлари ва эҳтиёжлари, банк хизматларига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат хизмат қилади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ҳозирги зомон ривожланиш босқичида банкнинг кредитлаштириш тизими аҳамияти жуда ортиб бормоқда. Шунинг билан бирга қатор ички ва ташқи омиллар ҳаракат кучига кўра банклар ва корпоратив қарз олувчилар кредитдан кенг таризда фойдала олмаяпдилар. Банк амалиётида муддатлилиқ, таъминланганлик, кредитни тўловлилигини бузилиши боғлиқ бўлган талайгина муоаммолар тўпланиб қолган.

Бундай шароитда банк кредити ўзининг рағбалантириш сифатида номоён бўладиган белгиларни заифлаштириб олади. Бунинг оқибатида сифатда банк сектори активларида кредит операциялари улуши ҳали оптимал даражада узоқ, кредитни корхоналарни асосий капиталини шакллантириш манбаси сифатидаги улуши паст даражада. Ўзбекистон иқтисодиётида ҳозирги босқичда банк кредитларини ялпи ҳажми ЯИМга рисбатан 10%ни ташкил қилади холос.

Ривожланган мамалакатларда бу кўрсаткич 40%ни ташкил қилади.

Реал иқтисодиётни банк томонидан кредитлаштиришни тўсиқ бўлаётган сабабларни атрофлича тушинтириш ва уларни бартараф қилиш йўллари излаш мақсадида кредитлаштириш шароитларини шакиллантириш зарур. Бунда банк билан иқтисодиётини реал сектори ўзаро муносабатларига тизим сифатида қараш

керак. Бунда банкларни мижозлар билан кредит юзасидан ўзаро муносабатларида устувор бўлган тенденцияларни ониклаш креитлаштириш шаклларини такомиллаштиришга эътибор бериш зарур. Шу муносабат билан ўзаро муносабатда кредитлаштиришни иқтисодий табиатидан келиб чиқиш ҳаракат қилиш, бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришлар банк ва ишлаб чиқиш капиталини ўзаро алоқалари трансформациаси муаммоларини ҳисобга олиш зарур.

Шуни айтиш жоизки бир томондан бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги ислохатлар жараёнида ишлаб чиқаришни қисқариши, корхоналар даромадини пасайиши, асосий воситаларни эскиришни жадаллашини юз берган бўлса, иккинчи томонидан бу нарса кредит инвестицияларига эҳтиёжни кескин оширган. Бундай шароитда қайд қилинган ва шунга ўхшаш ҳолатини издан чиқарувчи омиллар таъсири остида банкларнинг кредитлаштириш rischi ортади. Бунинг натижасида банклар иқтисодиётни реал секторини молиялаштиришга суст эътибор бердилар. Саноат корхоналарини кредитлаштириш институционал элементлари rischi ҳам юқори бўлган, улар орасидаги энг салмоқлиги, бирнинг фикримизга корхоналар молиявий ҳисоботни таффод эмаслиги бўлган.

Иқтисодиётни ривожлантиришда ҳозирда бозор муносабатларини шаклланиши анча юқори бўлиб, юқорида қайд қилинган муаммо ва камчиликлар кўп жиҳатдан барҳам топган. Бироқ, ҳозирда ҳам иқтисодиётни реал секторини анчагина катта кўламда бўлган узоқ муддатли кредитга қўйилмаларига эҳтиёжни банк тизимида қизиқишини йўқлиги билан тўқнашмоқда. Сабаби корхоналар бозор иқтисодиёти шароитда ўз фаолиятларни бир текисда, барқарор амалга оширишни ҳар доим ҳам таъминлай олмайдилар. Бу нарса реал сектор корхоналарига банк томонидан ўрта ва узоқ муддатли кредитлар беришга таалуклидир.

Шуни айтиш керакки ҳозирги даврда корхона билан банклар ўзаро муносабатлари характери анчагина ўзгаришларга учради. Хусусан “Назоратчи-назорат объекти” типигаги вертикал алоқадан “хамкор-хамкор” типигаги алоқаларга ўтмоқда, бу ерда иккала томон ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий номалар билан белгиланади. Буни бир жиҳати муғим бўлиб, муносабатлар улар ўртасидаги шартнома билан тартибга солинади. Муносабатларни шартнома асосига қурилиши, ўзаро боғлиқ ғаракат қиладиган ва тенг бўлган субъектлар ўртасидаги алоқаларни мувоқлаштиришни универсиал воситасидир.

Реал сектор корхоналари билан банклар ўртасидаги ўзаро алоқалар қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- Ҳисоб-китоб ва ғазна хизмати кўрсатиш;
- Банк томонидан кредитлаштириш сифатидаги корхона молиявий ресурсларини шакиллантириш;
- Мулк соҳасида тўғридан-тўғри ва билвосита муносабатларда иштирок этиш;
- Мулк соҳаси тўғрини барпо қилиш ва амал қилиши, холдинглар, стратетик альянлар ва бошқа тузилмаалар тузиш.

Таҳлил қилиш жараёнида шунча эътибор бериш керакки, ўзаро ҳаракатни ҳар бир кейинги шакили ундан олдинги шаклга асосланади ва унга таянган ҳолда ривожланади, ўз навбатида, бу нарса кейинги шаклларга ҳам таалуқли бўлиб, қанча алоқа шакллари мавжуд бўлса улар оддийдан мураккаб шакилга қараб ривожланиб бораверади. Бунда ҳар бир кейинги шакл банк ва ишлаб чиқариш капиталини ўзаро муносабатлари, характерлари ва интеграцияни янги, такомиллашган бўлиш характерига эга.

Маълумки корхоналар фаолияти бақарор ривожланиши учун инвестициялар катта роль ўйнайди. Чунки улар корхонани реконструкция қилиш, модернизициялаш ва ишлаб чиқариш қувватларини барпо қилиш билан

кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишнинг муҳим воситасидир. Шу боис. Корхонабилан банк ўртасидаги инвестицион муносабатлар корхона учун жуда муҳим.

Ўз навбатида бу нарса банклар учун ҳам муҳимдир. Бундай кўринишдаги муносабатларни ушбу ҳолатда шундай баҳолаш кераки, унда даромад олиш мақсадида бўш маблағларни узоқ муддатга сармоя сифатида ётеткизиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар амалга оширилади. Ушбу муносабатларни субъектларидан бири инвестор ролини бажаради, бошқаси эса- инвестиция объекти бўлади. Корхона билан банк ўртасида инвестиция шаклланишга боғлиқ ҳолда инвестиция муносабатларини шундай тури келиб чиқунки, улар қуйидаги сифатни ўзида мужасамлаштириши мумкин: кредитор

(банк)- қарз олувчи (корхона) ; мулкӣ ва ёки мулкӣ бўлмаган ҳуқуқ эгалари (банк)-мулкӣ ва ёки мулкӣ бўлмаган ҳуқуқ объекти (корхона) –мулкӣ ва ёки мулкӣ бўлмаган ҳуқуқ объекти (банк); инвестицион муносабатларни бошқа турлари.

“Кредитор (банк)- қарз олувчи (корхона)”-муносабатлари учун тўловлилик, қоплаш асосидалик, банк кредитларини мақсадга мувофиқлигини қайд қилиш ва мустаҳкамлаш мажбурий шартдир. Қарздорга маблағни вақтинчалик бериб турганлиги учун кредит берквчи ссуда фоизи кўринишида даромад олади. Одатда, муносабатларни ушбу шаклига қайд қилинган даромадни олиш хос. Бундай муносабатлар тури қарз шакилланиш қимматли қоғозлар (облигациялар, векселлар, депозит сертификатлари ва мажбуриятни бошқа шакиллари) билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Мулк билан боғлиқ бўлган муносабатларда шундай шаклларни ажратиш мумкинки, унда ёки банк корхонани хамкорликдаги эгаси бўлиши мумкин. Ёки корхона-банкни хамкорликдаги эгаси бўлиши мумкин. Юридик шахслар

мулклари шаклига боғлиқ ҳолда улардан бири башқасини капиталида акцияни эгаси (улуш) бўлиши мумкин.

“Кредитор-қарз олувчи” муносабатларини алоҳида турларига молиявий ижара (лизинг) муносабатларини киритиш мумкин. Молиявий ижарачи классик шартномаси уч шахсни боғлайди: мулк сотувчиси (тайёрловчи). Уни харид қилувчи-ижарачи ва ижарачини кредит муносабатлари ижарага берувчи билан ижарачи ўртасида келиб чиқади. Молиявий ижара шартномаси муносабатларига қайтаришлик ва қоплаш зарурлигининг асосий шартлари хос.

Ушбу битим ҳам пул, ҳам тавар шаклидаги пул капитали ҳаракатини амалга оширади.

Мулк билан боғлиқ бўлган қайд қилинган даромад муносабатлари моҳиятидан келиб чиқиб бундай ҳолатда кафолатланиш мумкин эмас.

Иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини хусусан, реал секторни кредитлаш жараёнларининг жадаллашуви бир қатор истиқболли имкониятларни яратиб беради.

Биринчидан, иқтисодиётда пул массасининг ортиши пировардида ишлаб чиқариш ҳажмининг тўғри пропорционал равишда ошишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, иқтисодиётдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларга эҳтиёжини қондиради ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўловларни амалга оширишни тезлаштиради.

Учинчидан, реал секторга ажратилган банк кредитлари ҳажмининг ортиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ортади ҳамда ички бозор қўшимча маҳсулотларга тўйинади. Бундан ташқари импорт ҳажмининг камайиши ва аксинча, экспортнинг ривож топишига ёрдам бериши мумкин.

Тўртинчидан, кредит хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошлаш, ривожлантириш, такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини ошишига хизмат қилади.

Шу билан бир қатордареал банк тизими ва иқтисодиётни реал сектори ўзаро харакати йўналишлари ҳисобга олишда қўйдагиларни ҳисобга олиш зарур деб биламан.

– тижорат банкларининг капиталлашув ва ресурс базасини янада ошириш, мазкур соҳага хусусий капитални кенг жалб этиш, активлар сифатини яхшилаш ҳамда банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигини янада мустаҳкамлаш;

– республика тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва банк назорати тизимини банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги (Базель III) талаблари асосида такомиллаштириш ишларини давом эттириш;

– иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган банк кредитлари ҳажмларини янада қўпайтириш, тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини кучайтириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш, биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар бандлигини оширишга қаратилган бизнес лойиҳаларни

молиялаштиришга кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш;

– банк соҳасида қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий қилиш ҳисобига тадбиркорлик субъектларига банк хизматларини кўрсатиш борасида энг қулай шарт-шароитларни яратиш;

– ижтимоий соҳани ривожлантириш, уй-жойлар қуриш ва аҳоли яшаш ҳудудларини ободонлаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни молиялаштириш;

Мамлакатимизда реал секторнинг янада тараққий топиши учун тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш қўламининг

оширилиши ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг мавжуд ички ва ташқи имкониятлардан самарали фойдаланганлари ҳолда ўз фаолиятларини мақсадли ва оқилона ташкил этишни талаб қилади.

II. БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ РЕАЛ СЕКТОРИГА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ВА УНИ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ.

2.1. Хамкорбанк капиталини шакллантиришнинг етарлилигини баҳолаш асослари.

Тижорат банклари фаолиятини амалга оширишда марказий банк томонидан ишлаб чиқилган стандартлар мавжуд бўлиб, улар фанда (тижорат банклари) капиталини шакллантиришга қўйилган ва бевосита таъсир қилувчи омиллар мавжуд. Бу эса талабларнинг тижорат банклари капитал базасига таъсири масаласини илмий асосида тадқиқ қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Бозор иқтисодиёти шароитда банкларнинг ишончилиги, қолаверса рақобатдошлигини муҳим омили бу ҳар бир банкни ўз капиталини етарлилик даражасидир. Чунки банкларни низом фонди, бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли ўлароқ, тўлиғича пул шаклида шакллантирилади.

Шунга кўра агар давлатнинг миллий валютаси (пули) қадрланса энг кўп йўқотиш банклар ҳиссасига тўғри келади.

Инфляция даврида банк капитали сезиларли йўқотишлари учрайди. Ҳамда уни секин-аста янгиланиши юз беради. Бунга қўшимча равишда, айтиш кераки, миллий пул бирлигини барқорорлашиш шароитда банк капитали анчагина ўсади.

Мижозларни манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Марказий банк ва шунга мувофиқ Марказий банк ҳар қандай банк учун мажбур бўлган иқтисодий нормативларни белгилаб беради. Бу нарса тижорат банкларини молиявий ишончилигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Бу нормативлар қуйдагилардир:

- банк капиталини минимал ҳажми;
- низом фондини (капиталини) минимал ҳажми;
- тўлов қобилияти;
- банк капиталини етарлилиги;
- яшин тезлигида амалга ошириладиган ликвидлилик;
- умумий ликвидлилик;

-бевосита банклараро займлар тақдим қилишни максимал йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳажми ва бошқалар рақоватда қайд қилинганларни ҳисобга олиб таъкидлаш мумкинки, Марказий банкни тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича ҳаракати;

- банк пассивларини шакллантиришга энг асосий ташқи таъсирдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш фазасида бўлган ва унга ўтиб, лекин етарли даражада тажриба орттирмаган мамлакатлар иқтисодиётида банкларнинг асосий капиталини етарли даражада шакллантиришда муаммоларни мавжудлиги (молия бозорини ривожланмаганлиги натижасида тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг фонд биржасида

катировка қилинмаслиги, банк активлари даромадлилик даражасининг пастлиги, туфайли соф фойда ва тақсимланган фойда миқдорининг камлиги, тижорат банклари акцияларига тўланаётган дивидентларни пастлиги ва ҳакоза) тижорат банклари капитални шакллантиришда беқарор молиялаштириш манбаларидан ҳам фойдаланиш заруратини юзага келтиради.

Ҳалқоро стандартларда тижорат банклари умумий капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб 8% қилиб белгиланган. Бизнинг республикамиз Марказий банки бу масалада ўзнинг мустақил сиёсатига эга. Шунинг кўра бу кўрсаткич бизда 10% қилиб белгиланган. Ҳалқаро ҳисоб-китоблар банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банклари капиталининг минимал даражаси худди Ўзбекистондагига ўхшаб, 10%ни ташкил этиши лозим.

Бу шундан далолат берадики, тижорат банклари умумий капиталининг етарлилигига нисбатан минимал талабни ўрнатиш соҳасида ҳам турли ҳил ёндашувлар мавжуд.

Шуни ҳам айтиш керакки републикамиз банкларининг, шу жумладан “Хамкорбанк”нинг, қўшимча капитали таркибида ҳалқаро стандартларида кўзда тутилмаган эпфит йил фойдаси мавжуд.

Ҳалқаро стандартлар бўйича икки йилдан ортиқ муддатга чиқарилган субординациялашган қарз мажбуриятлари қўшимча капитал таркибига

Ҳалқаро стандартлар тижорат банклари қошида лизинг, траст, факторинг ва форфейтинг компаниялари ташкил этиш йўли билан қўшимча капиталнинг миқдорини ошириш имконини беради. Бунинг натижасида бир томондан, қўшимча капиталнинг миқдори кўпаяди, иккинчи томондан эса, банк томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлар ҳажми ошади.

Шунинг билан бирга айтиш жоизки, мамлакатимиз марказий банки томонидан ҳалқаро стандартлар бўйича қўшимча капиталнинг чегаравий

миқдори белгиланган даражада, ўзгартирилмасдан қадул қилинган. Унга мувофиқ, қўшимча капитал асосий капитал суммасининг 100 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

“Хамкорбанк” АТБ кредит сиёсатининг асосий мақсади кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва аёллар тадбиркорлигини фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ жойларида, айниқса Республикамизнинг энг чекка ҳудудларида аҳолини кенг табақаларининг банк хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш, шунингдек банкнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва мижозлар таркиби салоҳиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Чунки тижорат банкининг кредит сиёсати унинг кредитларини бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Оқилона кредит сиёсати банк активлари сифатига таъсир қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Шу боис, тижорат банклар кредит сиёсатини ишлаб чиқишда минтақавий бўлимларнинг мавқеъи, мавжуд филиаллар сони ва минтақадаги иқтисодий фаолияти жойлашуви, кредит маблағлари манбаларининг юқорилиги, банкнинг жойлардаги рискининг даражаси, муддатлар бўйича мажбуриятлар ва активлар тузилмасини ҳисобга олишлари керак. Шунингдек, кредит сиёсатини ишлаб чиқишда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинган асосий тамойилларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, тижорат банкларининг кредит сиёсатини амалга ошириш амалиётининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Банк томонидан берилган кредитларнинг иқтисодийнинг тармоқлари ўртасида жойлаштирилганлик ҳолати.**2.1-жадвал**

2.1-жадвал 2

“Хамкорбанк” АТБ кредит портфели таркиби

Тармоқлар	Берилган кредитлар (%)
Ишлаб чиқариш	61,7
Касаначилик	10,3
Транспорт ва алоқа	0,07
Қурилиш	0,7
Савдо ва умумий овқатланиш	8,8
Моддий техника таъминоти	11,7
Бошқа соҳалар	6,7
Жами	100

Кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти— банк ва қарз олувчининг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғунлаштиришни назарда тутади. Кредитор сифатида банкларнинг олиб борадиган фаолияти улар учун меъёрий бўлган ҳужжат кредит сиёсатида ўз аксини топади.

Тижорат банклари кредит сиёсатини мустақил тузадилар. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Тижорат банкининг кредит сиёсати кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

² Хамкорбанк ҳисоботи

Хамкорбанкнинг жами активлари, капитали ва депозитлари миқдорининг юқорилиги инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Банкларнинг капиталлашув даражасининг ўсиши актив операциялар ҳажмини ошириш, хусусан, кредитлаш янада кенгайтиришга мустаҳкам замин бўлди. **2.2 - жадвал**

2.2 - жадвал

Хамкорбанк кредит портфелида иқтисодиёт

3
тармоқларининг улуши, %да

№	Тармоқлар	201 ³	2014	2015	2016	2013йил га нисбатан
1.	Саноат	41,38	45,25	47,73	48,12	6,74
2.	Қишлоқ хўжалиги	11,3	9,5	9,31	8,39	-2,91
3.	Транспорт ва коммуникация	5,14	4,83	3,98	3,92	-1,22
4.	Қурилиш	6,63	6,17	5,02	4,61	-2,02
5.	Савдо ва умумий овқатланиш	10,63	9,76	9,75	9,93	-0,7
6.	Моддий-техник таоминоти ва маиший хизмат	3,33	3,11	2,5	1,98	-1,35
7.	Уй жой ва коммунал хизмати	1,36	1,47	1,48	1,29	-0,07
8.	Бошқа тармоқлар	20,24	19,91	20,23	21,76	1,52

Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, кредит портфелини иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркибини ўрганадиган бўлсак, бунда саноатга берилган кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши 2013 йил 41,3 %ни ташкил қилган булса, 2014 йилда 45,25% ни, 2015 йилда эса 48,12 % ташкил қилиб, 2013 йилга нисбатан 2016 йилда 6,74 пунктга кўпайган. Бу шундан далолат берадики, 2015 йилда жами кредит портфелининг таркибида

³ Хамкорбанк ҳисоботи

саноатнинг улуши янада кўпайиб бораётганидан далолат беради. 2016 йилда қишлоқ хўжалиги 8,39% ни, транспорт ва коммуникация соҳасига 3,92% ни, қурилиш соҳасига 4,61% ни, моддийтехник таоминоти ва маиший хизмат соҳасига 1,98% ни ва бошқа соҳаларга 21,76% ни ташкил қилади.

Кредит портфелида тармоқларнинг улуши таҳлили шуни кўрсатадики, 2013 йилга нисбатан 2016 йилда портфел улушида саноат 6,84 пунктга кўпайиб, қишлоқ хўжалиги улуши 2,91 пунктга пасайган. Қолган тармоқларда ҳам жами портфелга нисбатан унча катта бўлмаган пасайиш кузатилган.

Хамкорбанкнинг кредит портфели бўйича таҳлил қилганда шунга амин бўламизки, аксарият банклар кредит портфели ўсганлигини кўришимиз мумкин. Жами кредит портфели эса ўтган йилга нисбатан 25,44 фоизга ошган ва 17724378 млн сўмни ташкил қилган.

Бунда энг ката улуш Хамкорбанкнинг Водийдаги банклари хиссасига тўғри келади ва у 26,06 фоизни ташкил этади. Жами кредит портфелининг 70 фоизига яқини дастлабки тўртта банкга тўғри келади.

Хамкорбанки кредит сиёсатидаги мавжуд қатор камчиликлар, жумладан, кредит портфелини тармоқлар бўйича камчиликлар кредит лимитларини ўрнатишдаги камчиликлар кредит рискларини ошишига олиб келади.

Хамкорбанк ўзларининг кредит портфели сифатини яхшилаш мақсадида миждозларни кредитлашнинг нафақат индивидуал рискларни, балки рискларнинг бирқатор умумий категорияларини ҳам қилишлари шарт.

Хусусан, ушбу кўрсаткич 2015-йилнинг шу даврига нисбатан 30,5 фоизўсиб, бугунги кунда унинг миқдори 26,2 трлн. сўмдан ошди. **2.3-жадвал**

АТ “Хамкорбанк” мажбуриятлари таркиби ва динамикаси

(минг сўм)⁴

Кўрсаткичлар	01.01. 2015	Улуши (%)	01.01. 2016	Улуши (%)	Ўтган йилга нисбатан	
					(Қ;-)	%
Мажбуриятлар	523 757,7		567 790,8		44 033	108,4%
Шу жумладан, депозитлар жами:	437 897,3	100%	492 812,1	100%	54 915	112,5%
Талаб қилиб олингунча бўлган депозитлар	123 545,1	28,2%	168 232,1	34,1%	44 687	136,2%
Жамғарма депозитлар	47 619,9	10,9%	27 719,9	5,6%	-19 900	58,2%
Муддатли депозитлар:	80 226,6	18,3%	130 560,0	26,5%	50 333	162,7%
- жисмоний шахслар	19 942,8	4,6%	60 479,3	12,3%	40 536	303,3%
- юридик шахслар	60 283,8	13,8%	70 080,8	14,2%	9 797	116,3%
Депозит сертификатлари	52 200,0	11,9%	19 300,0	3,9%	-32 900	37,0%
Чиқарилган банк облигациялари	9 000,0	2,1%	12 000,0	2,4%	3 000	133,3%
Банклараро депозитлар	71 500,0	16,3%	80 084,6	16,3%	8 585	112,0%

⁴ АТ

” 201

Бошқа депозитлар	53 805,6	12,3%	54 915,5	11,1%	1 110	102,1%
------------------	----------	-------	----------	-------	-------	--------

Юқоридаги жадвал таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 2016-йил 1-январ ҳолатига банк томонидан аҳоли ҳамда юридик ташкилотлардан жалб қилинган депозитлар миқдори 492,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга (437,9 млрд. сўм) нисбатан 54,9 млрд. сўмга ёки 112,5 фоизга ўсган. Мамлакатимиз банклари депозит операцияларида муддатли ва жамғарма депозитларнинг улуши ҳам ортиб бормоқда. АТ “Хамкорбанк”да ҳам муддатли депозитлар ҳажми 2016-йил 2015-йилганисбатан 50 333 000 сўмга ёки 162,7 фоизга ўсганлигини кузатиш мумкин. Яна бир қувонарли тарафи муддатли депозитларичида жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар ҳажми юқори яъни 2016-йилда 2015-йилга нисбатан 40536000 сўмга ёки 303,3 фоиз ҳисобига ошганлиги натижа ҳисобланади. **2.4-жадвал.**

2.4-жадвал

АТ “Хамкорбанк” кредит портфелининг тармоқлар бўйича тузилмаси, (2016-йил 1-январ ҳолатига)⁵

Тармоқ номи	Млрд сўм	Улуши
Саноат	134,05	33
Қишлоқ хўжалиги	48,75	12
Транспорт ва алоқа	60,93	15
Қурилиш	77,18	19

⁵ АТ ” 201

Савдо ва умумий овқатланиш	28,44	7
Моддий-техника таъминот	16,25	4
Маиший ва уй-жой коммунал хизматлар	20,31	5
Бошқа тармоқлар	20,31	5
Жами	406,22	100

2016-йил давомида АТ “Хамкорбанк” кредит портфелини диверсификация қилиш сиёсатини қўллаган ҳолда иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, хўжалик юрутувчи субъектларни кредитлаш йўли билан қўллаб-қувватлаш бўйича самарали ишларни амалга оширди. Хусусан, саноат тармоғига ажратилган кредитлар жами кредитлардаги улуши 33 фоизни ташкил қилганлигини кўриш мумкин. Қишлоқ хўжалиги тармоғига 48,75 млрд сўм кредитлар яъни жами кредит портфелининг 12 фоизини ташкил этган. Банк томонидан берилган кредитларнинг умумий кредит портфелидаги улуши ижобий бўлиб, белгиланган нормадан ўтиб кетмаганлигини 201⁶-йиллик ҳисобот маълумотларидан кўришимиз мумкин. **2.1-диаграмма.**


2.1-диаграмма.

**АТ “Хамкорбанк” кредит портфелининг тармоқлар
бўйича
таснифи**

⁶ АТ ” 201

“Хамкорбанк

6-йил йиллик
ҳисобот
маълумотлари
асосида. 45



Бошқа тармоқларнинг улуши жами кредитлар таркибининг 5 фоизини ташкил этган. Кредитлаш жараёнида маҳаллий хом ашёва ресурсларни қайта ишлашга йўналтирилган ишлаб чиқариш корхоналарни яратиш, иқтисодиётнинг реал секторини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, кредит портфели сифатини яхшилаш мақсадида мижозларни кредитлашнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар

фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитлар ҳажмини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу ерда шуни таъкидлаш керакки, АТ “Хамкорбанк” кредит портфелининг тармоқлар бўйича таснифида бир тармоқдаги кредитлар улуши жуда юқори. Бу эса кредит рискинни янада оширишга олиб келиши мумкин. Банкнинг бошқа тармоқлардаги кредит қўйилмалари хусусан, савдо ва умумий овқатланишда 7 фоиз, моддий техника таъминоти соҳасига 4 фоиз, маиший уй-жой коммунал хизматлар соҳасига умумий кредит қўйилмалар таркибининг 5 фоиз миқдорда кредитлар ажратилган. Бизнинг фикримизча, банк кредит портфелидаги ката улушга эга бўлган соҳаларга умумий кредит қўйилмаларнинг 25-30 фоизидан ортиқ миқдорда кредитлар ажратмаслиги лозим.

2.2. Хамкорбанк капитали таркибини шакллантириш манбалари ва уларнинг қиёсий таҳлили.

Банк капиталини шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳар доим акционерларга тўланмаган ва банкда тақсимланмаган ҳолда қолдирилган хизмат қилган. Капитални жалб қилишни афзал томони шундаки, банк капитални шакллантириш жараёнида очик бозордан мустақил бўлади ва шу билан бирга қарзларни жойлаштириш бўйича ҳаражатлардан ҳоли бўлади.

Ички имкониятдан фойдаланиб капитални ошириш нафақат мавжуд акционерларнинг жамият устидан бўлган назоратини сусайтивирмайди, балки акцияларга ҳисобланган дивидендлар ҳам камаймайди. Масалан, банк капитални кўпайтириш йўли сифатида акция чиқаришни танлади, акцияларнинг бир қисми янги акционерлар кейинчалик жамиятнинг келажакдаги маълум фойда қисмига ва унинг сиёсатига арилишишга, масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилиш жараёнида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишни аниқлатади.

Қўшимча капиталга бўлган эҳтиёжни қондиришда фойданинг улушига таянишга эътибор жорий фойданинг қайси қисми тақсимланган ҳолда қолиши вақайси қисми акционерларга дивиденд кўринишида тарқатилишининг ечимига йўналтирилганлигини англатади, яъни дивидендлар улуши аниқланадиган, ушлаб қолинган фойда қисмини аниқлаши зарур. Олинган ва тақсимланган фойданинг ҳажмини катталиги банкни бошқаришда катта аҳамиятга эга. Жуда паст даражада ўрнатилган ҳажми (яъни дивидентларнинг умумий катта бўлганда) у банк капитали ички манбаларининг секин ўсишига олиб келади. Шу билан бирга у банкнинг банкротлик эҳтимолини оширади ва даромад келтирувчи активларининг ўсишини чегаралайди. Ушланган фойданинг камлиги (яъни дивидендларнинг улуши кичик бўлганда) акционерларга тўланадиган дивидендларнинг камайиб кетишига олиб келади. Бу эса банк акцияларининг қийматини пасайиб кетишига олиб келиши мумкин. Банк акцияларининг юқори бозор қийматини таъминловчи сиёсат банкнинг оптимал дивиденд сиёсати ҳисобланади. Агар банк акцияларининг даромадлилиги ҳатарлилик даражаси тенг бўлган бошқа инвестициялардан келган даромадга тенг бўлса, банкка янги акционерлар жалб қилиниши ва эскилари эса келажакда ҳам банк акцияларининг эгасибўлиб қолиши мумкинлигини оширади.

Банк учун катта аҳамиятга молик бўлган масала-бу банк томонидан барқарор дивиденд сиёсатини олиб боришдир. Агар банк дивидендлари ҳеч бўлмаса эски даражада сақланиб қолинсаам, у инвесторларни акцияларга ишончли даромад манбаи сифатида қарашга ва акцияларни сотиб олишга ундовчи восита бўлиб хизмат қилади. Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики, банк акциялари бўйича дивидендларни камайиши ҳақида эълон қилиниши уларни (акцияларини) бозор баҳоси тушиб кетишига сабаб бўлади, балки патинциал акционерларни “хафсаласини пир” бўлишига олиб келади. Бу нарса

банк учун қўшимча маблағларни тўплаш ишини мушкуллаштиради холос. Юқоридагилар билан бирга банклар (тижорат банклари) фаолиятлари давомида капитал жалб қилишнинг ташқи манбаларидан ҳам фойдаланишга зарурият сезади. Капитални ташқи манбаларига қуйдагилар киради:

-оддий акцияларни сотиш;

- имтиёзли акцияларни сотиш;

-ўзаро муддатли қарз мажбуриятларини чиқариш;

-активларни сотиш;

-асосий фондларни айрим турларини ижарага олиш, масалан, банкка тегишли биноларни.

Банк қайси бир йўлни танлаши кўпгина омиллар таъсири доирасида шакилланади, шулардан бири бу акционерларнинг даромадига таъсир ўтказишдир. Шунинг билан бирга бу масалани ҳал қилишда банкнинг рискга берилувчилиги, банк назоратига таъсири, актив ва мажбуриятлар бозорини аҳволи ҳам маълум даражада роль ўйнайди.

Оддий акцияларнинг сотилиши. Умуман олганда оддий акцияларнинг эмиссияси капитални жалб қилишнинг ташқи манбалари шаклида оддий акцияларни жойлаштириш ҳаражатларининг катта-кичиклиги ва акционерлар, даромадларининг қарз мажбуриятлари эгаларига нисбатан тутган ўрни билан боғлиқ хатарлари билан ажралиб туради. Чиқарилган акциялар банк ишлатиши мумкин бўлган қарзлар улушини камайтиради ва шу билан бирга банк томонидан келгусида қўшимча маблағ жалб қилиш имкониятини кенгатиради.

Имтиёзли акцияларнинг сотилиши. Имтиёзли акцияларни сотилиши оддий акцияларни сотилишига ўхшаб ҳаражатни кўп талаб қилувчи манбалардан ҳисобланади. Имтиёзли акциялар эгалари оддий акция эгаларига нисбатан банк фойдасини тақсимлашда ва ундан улуш олишда ўз

эҳтиёжларини биринчи навбатда қондирадилар ва бу ҳуқуқ уларга шартларда қайд қилинган. Шу сабабли имтиёзли акциялар чиқарилгандан сўнг оддий акциялар бўйича дивидендлар камайиб кетишини кўриш мумкин. Имтиёзли акциялар ҳам оддий акциялар каби келажакда банкнинг қарз олиш имкониятларини оширади.

Субординяциялашаган қарзларни чиқариш. Субординяциялашаган қарз қоғозларининг банк учун афзаллиги шундаки. Улар қарз мажбуриятлари улушнинг ва битта акцияга тўғри келадиган фойданинг ошишига олиб келади, қанчаки мазкур қарзлардан фойдаланиш оқибатида олинадиган даромад унга тўланадиган харажатлардан юқори бўлса. Ундан ташқари мазкур қарз мажбуриятларидан капитал тўлдириш, ошириш манбаи сифатида қўлланадиган давлатларда қарз бўйича фонд тўловлари солиқ тўланадиган базани камайтиради. Яна шунини айтиш лозимки, қарзга олинган бу пуллар уни (банкни) фаолиятига икки йўналишда таъсир қилиши мумкин.

Биринчиси ижобий бўлиб бу ҳолат юзага келиши мумкин, қачанки банк фаолияти яхши кечаётган ва самарали бўлса. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳолатни шакллантиришда (яъни банк фаолиятини яхши кечишини таъминлашда) қарзга олинган пулни ҳам “ҳиссаси” бор.

Иккинчиси эса қарама-қарши йўналишда юз бериши мумкин. У ҳам бўлса қарз олган ҳолда ҳам банк фойда олмаслиги ва зарар кўриши мумкин. Бу ҳолда қарз банкни банкротлик ҳолатига ҳам олиб бориши мумкин.

Активларни сотиш ва кўчмас мулк ижараси ўз фаолиятини барқарорлигини таъминлаш ва бир маромда ушлаб туришда ҳамда капитални бошқаришда банклар ўз асосий воситаларини, масалан, банк жойлашаган бинони сотади ва бошқа янги қулай бинодан ижарага олади. Шунда банк ўз фаолиятини ривожлантириш учун катта қўшимча маблағга эга бўлади. Чунки бино каттагина маблағ ҳисобига қурилган ва шунга кўра у шунга маблағ олиб

келади. Бунда ижара учун тўланаётган маблағ бино қийматига қаратилган унга катта бўлмаганлиги туфайли банк ўз капиталини сезиларли олишишига, банкнинг капитал позициясини кучайтиришига олиб келади. Бу каби операциялар инфляция ва иқтисодий ўсиш суръати банк балансида акс эттирилган мол-мулкнинг жорий қийматини унинг бошланғич қийматига нисбатан ўзгаришдан юқорироқ бўлган даврларда қўлланилганда катта самара беради.

Хамкорбанкида берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтишини таъминлаш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу муаммони хал этишнинг йўлларида бири кредитга юқори ликвид таъминот талаб қилишдир. Кредит таъминоти сифатида олинган таъминотнинг қиймати кредит ва унга ҳисобланган фоизлар миқдоридан юқори бўлиши керак. Кредит таъминоти бирламча ва иккиламчи таъминот манбаларига бўлинади. Бирламчи таъминот миқдорнинг кредитдан фойдаланиш натижасида оладиган даромадлари ёки унинг пул оқимлари ҳисобланса, иккиламчи таъминот бошқа барча турдаги таъминот шаклларида ўз ичига олади. Кредит таъминоти ва унинг сифат даражаси кредит баҳосининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади. Мамлакатимиздаги кўпгина тижорат банклари амалиётида кредит таъминоти ва унинг сифати кредит баҳосининг шаклланишида ҳисобга олинмайди. Лекин Хамкорбанк бу бўйича чет эл тажрибаларидан фойдаланади. Кредит портфелининг таъминот таҳлилидан келиб чиқиб, таъминот турлари бўйича сифат ва риск даражасини баҳолаш усулларини аниқ ўрганиш керак. Агар берилаётган кредитлар юқори ликвид активлар билан, яни ҳукуматнинг қимматли қоғозлари, қимматбаҳо металллар ва ҳукумат кафолати билан таъминлаган бўлса, у ҳолда бундан таъминот билан берилган кредитларга ҳисобланган фоиз ставкалари нисбатан пастроқ қилиб белгиланиши зарур деб ўйлаймиз.

Шу билан бирга Хамкорбанк ўз маблағларини иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига фаол йўналтирмоқда.

Агар амалдаги қонун ва қоидалар бўйича банк мулкнинг эскириш меъёри қанчалик катта бўлса, банк учун мазкур операцияни амалга ошириш учун манфаатдорлик шунчалик катта бўлади.

Ривожланган мамлакатларда кўпгина тижорат банклари банк капиталини уларни (банкларни) активларига бўлган нисбатини яхшилаш учун активларни сотиш усулидан фойдаланмоқда. Бу усулга асосланганда банк кўп ҳолларда хатарлилиги юқори бўлган активларни ўсишини секинлаштиради, яъни секин-аста улар хатарлилик даражаси паст активларга (давлат қимматбаҳо қоғозлари, давлат томонидан таъминланган кредитларга) алмаштирилади. Бу билан капитал ва хатарлилик даражаси бўйича жалб қилинган активлар ўртасидаги нисбат банк фаолиятини ижобий томонига силжитади.

Ҳалқаро банк амалиётида тижорат банки капиталининг максимал миқдори деганда икки хил тушинча назарда тутилади:

Тижорат банкларининг устувор вазифалардан бири соҳадаги мавжуд муаммоларни тадқиқ этиш ва уларни бартараф этиш юзасидан чоратадбирларни ишлаб чиқиш, ҳамда уларни амалиётга тадбиғини ташкил этишдан иборат. Бунда айниқса, тижорат банкларида кредит олувчиларнинг кредитга лаёқатлилиқ даражасини аниқлашдаги мавжуд муаммоларни ҳам ҳал этиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, тижорат банклари бу хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади ва ўз иқтисодий фаолиятини фақат мижозлар билан шакллантира олади. Маълумки, тижорат

банкларининг мижозлари – бу юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Таҳлилларимиз кўрсатадики, нафақат жисмоний шахслар, балки юридик шахслар фаолиятида ҳам кредитни қайтаришда ўзига хосмуаммолар кузатилади.

Устувор вазифалардан бири соҳадаги мавжуд муаммоларни тадқиқ этиш ва уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ҳамда уларни амалиётга тадбиғини ташкил этишдан иборат. Бунда айниқса, тижорат банкларида кредит олувчиларнинг кредитга лаёқатлилиқ даражасини аниқлашдаги мавжуд муаммоларни ҳам ҳал этиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, тижорат банклари бу хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади ва ўз иқтисодий фаолиятини фақат мижозлар билан шакллантира олади. Маълумки, тижорат банкларининг мижозлари – бу юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Таҳлилларимиз кўрсатадики, нафақат жисмоний шахслар, балки юридик шахслар фаолиятида ҳам кредитни қайтаришда ўзига хосмуаммолар кузатилади.

“Хамкорбанк” АТБ да мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш банкнинг кредит сиёсати асосида таҳлилидан фойдаланилади.

Кредит сиёсатининг мазмунини чуқурроқ ўрганиш учун унинг нималардан ташкил топганини билишимиз лозим.

Банкларнинг кредит сиёсати қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

-мақсадни аниқлаш ва натижада банк кредит портфелини шакллантириш (тури, муддати, ҳажми ва таъминот сифати);

-кредитларни бериш, юритиш, қоплаш жараёнларида банк бўлимлари ваколатлари;

-керакли ҳужжатлар рўйхати;

-кредит таъминотини қабул қилиш, баҳолаш ва сотишнинг асосий қоидалари;

- кредит операциялари чегаралари (лимити);
- кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ўрнатиш сиёсати;
- кредит аризаларини баҳолаш услублари

“Хамкорбанк” АТБ кредит сиёсатининг асосий мақсади кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва аёллар тадбиркорлигини фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ жойларида, айниқса республикамизнинг энг чекка ҳудудларида аҳолини кенг табақаларининг банк хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш, шунингдек банкнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва мижозлар таркиби салоҳиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Чунки тижорат банкининг кредит сиёсати унинг кредитларини бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижалари шунини кўрсатадики, тижорат банкларининг кредит сиёсатини амалга ошириш амалиётининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

2015-йил 31декабр ҳолатига “Хамкорбанк” АТБ Фарғона филиалининг жисмоний шахсларга берилган киска муддатли кредитлар 5 220 208,97 сўм, якка тартибдаги тадбиркорларга берилган киска муддатли кредитлар 16 245 491,84 сўм, давлат корхона, ташкилот ва мауссасаларига берилган киска муддатли кредитлар 148 673 405,58 сўм, хусусий корхоналар, хужалик ширкатлари ва жамиятларга берилган киска муддатли кредитлар 1 130 271 322,50 сўм, жисмоний шахсларга берилган узок муддатли кредитлар 5 098 245 680,70 сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Тижорат банклари кредитлаш амалиётида муаммоларнинг мавжудлиги кредит портфели сифатининг ёмонлашувига олиб келади. Бу эса банкларнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлигининг пасайишига сабаб бўлади.

Иқтисодийни модернизациялаш босқичида республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Республикамизнинг айрим банкларида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Юқорида қайд этилган кредит портфелидаги камчиликлар қисқа муддатли кредитларга хос бўлиб, уларни чуқур таҳлил қилиш тижорат банклари кредитлаш жараёнини мўътадиллаштиришни тақозо этмоқда.

“Хамкорбанк” АТБ да хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда иқтисодий таҳлилдан фойдаланилади. Микро бизнесни кредитлаш йирик ва корпоратив кредитлашдан фарқли равишда ўзига хос қуйидаги кредитлаш тамойилларига эга.

- Банк хизматларини сотиш бўлими ходимини ўз кредит портфели олдидаги тўлиқ жавобгарлик

- Банк ва миждоз ўртасидаги муносабатлар

- Бизнес ва уй хўжалигининг ўзаро алоқадорлиги

- Кредитлаш жараёнида асосий эътибор миждознинг молиявий имкониятларига ва унинг характериғақаратилади. Гаров эса иккинчи даражали очик кредит комитети, барча қарорлар кредит комитетида қабул қилиниши керак

- Кредит концентратсияси ва диферсификацияси

- Мониторинг

-Микро кредитлаш жараёнида махсус кредитлаш муолажасининг мавжудлиги

Кредит мутахасиси юқоридаги тамойиллар асосида иш олиб боради.Энди масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «DIANA - SHAROB» Қўшма Корхонасининг кредитга лаёқатлилигини кўриб чиқамиз.

Иқтисодий таҳлилга асосан дастлаб кредит мутахасиси масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «DIANA-SHAROB» Қўшма Корхонасига бориб дастлабки ўрганишларни бошлайди.Бунда миждознинг характери, обрўси ва кредит олишдан мақсадини аниқлайди. Кейин миждознинг маблағлари таркиби ўрганади ва балансини таҳлил қилади. Республикамиждознинг айрим банкларида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Маълумотлар асосида қуйидаги коэффисентларни хисоблаймиз:

1.Ликвидлилик коэффисенти-3.73

2.Қоплаш коэффисенти- 3.9

3.Мустақиллик коэффисенти-86.0 фоиз

Демак , масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «DIANA - SHAROB»

Қўшма Корхонаси тўғрисида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Юқоридаги маълумотлар асосида миждозни 1-синфга киритишимиз мумкин.Яъни миждозга банк кредит линияси очиши, контокоррент ҳисоб рақами бўйича кредит бериши, бошқа қарз олувчиларга нисбатан паст фоизларда ишончли кредитлар бериши, кредитлар бўйича таъминганлик талаб қилинмаслиги мумкин.

таҳлилда миждознинг тўлов лаёқатини баҳолашда қуйидаги тамойилларга асосланади:

-Қарз олувчининг ёши

-Қарз олувчи билан алоқа воситалари

- Қарз олувчи мазкур манзилда яшаш муддати
- Оилавий ахволи
- Касби, эгаллаб турган лавозими
- Қарз олувчининг иш фаолияти давомийлиги
- Алоқадор қарздорнинг касби
- Қарз олувчининг ойлик даромадлари
- Қаромоғидаги боқимандалар сони
- Қарз олувчининг кредитни қайтариш давридаги кўзда тутилмаган харажатлар бўлиш эҳтимоли -Қарз олувчининг кредит тарихи

50 баллгача қониқарсиз баҳо қўйилади. Қарз олувчи камида 50 балл тўплаши лозим. Шу ҳолатдагина миждозга нисбатан иждобий кредит худосаи чиқариш мумкин. “Хамкорбанк” АТБ да юридик шахсларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда фойдаланиладиган кредит меморандуми, кредит таклифи ва тахлил натижаси иловада келтирилган. Жаҳон амалиётида банклар томонидан берилган кредитларнинг сифатини баҳолашнинг 10 хилдан ортик йўналишлари мавжуд. Кредитнинг сифатини баҳолаш кредитнинг мақсади, уни тўлаш усули, миждознинг кредитга лаёқатлилиқ даражаси, унинг қайси тармоққа таълуқли эканлиги ва мулк шакли, миждознинг банк билан муносабатининг характери, банкнинг миждоз тўғрисидаги тўлиқ ахборотга эга эканлиги ва унинг этарлилиги даражаси, ссудаларнинг таъминланганлиги, ҳажми ва бошқа мезонлар киради. Банк активларининг сифатини аниқлашга уларнинг кредит портфелини ўрнатилган меъёрлар асосида тавсифлаб чиқиш орқали эришилиши мумкин. Ўзбекистонда 1996 йил июлидан бошлаб Марказий банк тасдиқлаган кўрсатмага асосан тижорат банклари активларини тавсифлаш ва ссудалар бўйича йўқотишлар бўйича резервларни ташкил қилиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига асосан

активларни тавсифлаш, муаммоли ёки ҳаракатсиз кредитлар бўйича резервларни ташкил қилиш амалга оширилмоқда.

Бу меъёрий ҳужжатга асосланиб банклар томонидан берилган кредитлар бўйича қарзларнинг сифати, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари, унинг молиявий ҳолати, кредит рискиннинг даражаси, келажакда кредитни қайтиб бериш имконияти, кредитнинг таъминланганлик даражасини, кредитни тўлаш муддатидан неча кун ўтганлигини кабиларни инобатга олган ҳолда гуруҳларга таснифланади. Кредитларни таснифлашдан асосий мақсад қарз олувчининг тўлай олиш қобилиятини ҳамда қарзнинг ўз вақтида қайтарилиши учун пул оқиминининг ҳолатини баҳолашдан иборат.

Кредитларни таснифлаш қарз олувчининг фаолиятини қуйидаги мезонлар орқали баҳолашдан бошланиши керак:

- миқдорнинг шартлари тарихи;
- тармоқнинг келажакдаги ва анъанавий ривожланиш усуллари;
- корхонанинг умумий ҳолати;
- кредитланадиган лойиҳанинг ҳолати ва самарадорлиги;
- корхонанинг молиявий ҳолати;
- корхонада бошқарув ва раҳбарлик сифати;
- корхонанинг ривожланиш режаси, стратегияси ва бошқалар.

“Банкларнинг фаолияти”га ва “Банклар ва банк фаолияти”га қонунларига асосан активларни тавсифлаш, муаммоли ёки ҳаракатсиз кредитлар бўйича резервларни ташкил қилиш амалга оширилмоқда.

Бу меъёрий ҳужжатга асосланиб банклар томонидан берилган кредитлар бўйича қарзларнинг сифати, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари, унинг молиявий ҳолати, кредит рискиннинг даражаси, келажакда кредитни қайтиб бериш имконияти, кредитнинг таъминланганлик даражасини, кредитни тўлаш муддатидан неча кун ўтганлигини кабиларни инобатга олган ҳолда

гуруҳларга таснифланади. Кредитларни таснифлашдан асосий мақсад қарз олувчининг тўлай олиш қобилиятини ҳамда қарзнинг ўз вақтида қайтарилиши учун пул оқиминининг ҳолатини баҳолашдан иборат.

Кредитларни таснифлаш қарз олувчининг фаолиятини қуйидаги мезонлар орқали баҳолашдан бошланиши керак:

- миждознинг тўловлари тарихи;
- тармоқнинг келажаги ва анъанавий ривожланиш усуллари;
- корхонанинг умумий ҳолати;
- кредитланадиган лойиҳанинг ҳолати ва самарадорлиги;
- корхонанинг молиявий ҳолати;
- корхонада бошқарув ва раҳбарлик сифати;
- корхонанинг ривожланиш режаси, стратегияси ва бошқалар.

“Хамкорбанк” АТБ да жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда скоринг усулидан фойдаланилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, қуйидаги тамойиллар банк кредит фаолиятининг устувор элементлари деб белгиланиши ва уларнинг амалда ижроси самарали кредитга лаёқатлиликни шакллантиришдаги мавжуд муаммоларни камайтиришга хизмат қилади деб ўйлаймиз:

Кредит рискларини бошқаришга мос муҳит яратиш тамойиллари

1. Банк кенгаши Банкнинг кредит сиёсати ва кредит рискларини бошқариш стратегиясининг тасдиқланиши ҳамда вақти-вақти билан (камида ҳар йилда) янгиланиб турилишини назорат қилишга масъулдир. Стратегия Банкнинг рискларга нисбатан аниқ муносабатини ва банкнинг ўз зиммасига турли кредит рискларини олишдан кутаётган фойдаси даражасини акс эттириши керак.

2. Бошқарув Банк кенгаши томонидан тасдиқланган кредит рисклари бўйича стратегияни амалга ошириш, шунингдек кредит рискларини аниқлаш,

баҳолаш, мониторинг ва назорат қилиш бўйича сиёсати ва амалларини ишлаб чиқиш учун жавоб беради. Бундай сиёсат ва амаллар банк фаолиятининг барча йўналишларидаги ҳам айрим кредитлар, ҳам умуман кредит портфели даражасидаги кредит рискларини қамраб олиши керак.

3. Фаолият йўналишлари ва хизматларнинг барча турлари билан боғлиқ кредит рискларини аниқлаш ва бошқариш зарур. Фаолиятнинг янги йўналишлари ва таклиф этиладиган хизматларнинг турларида юзага келадиган рискларни қабул қилишдан олдин Банк кредитларни бошқариш ва назорат қилиш бўйича тегишли амаллар ўтказилишини таъминлаши, шунингдек рискларнинг қабул қилиниши Банкнинг юқори раҳбарияти ёки тегишли кўмитаси томонидан тасдиқланганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

3-БОБ.ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ БИЛАН ИҚТИСОДИЁТНИ РЕАЛ СЕКТОРИ ЎЗARO АЛОҚАЛАРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

3.1. Банк тизими ва иқтисодиётни реал секторининг ўзарo алоқаларини ривожлантириш.

2016 йилда монетар сиёсат ва банк тизимида амалга ошириладиган ишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2016 йилга

мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишига қаратилади.

Бунда 2016 йил учун иқтисодий дастурнинг муҳим вазифалари ва истиқболли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилди:

–бошланган тизимли демократик ислоҳотларни ва мамлакатни модернизациялашни, иқтисодиётдаги, энг аввало, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги чуқур таркибий ўзгартиришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат улушини изчил камайтириш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш;

–2015–2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг асосий тадбирларини сўзсиз амалга ошириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш;

–қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ва таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш;

–ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш;

–иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, экспортда фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш;

–иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, «Электрон ҳукумат» тизими яратилишини тубдан тезлаштириш.

2016 йилда республикада ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Ушбу ўсиш асосан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг – 8,2 фоизга, қишлоқ хўжалигининг – 6,1 фоизга ва капитал қўйилмалари ҳажмининг – 9,6 фоизга ўсиши ҳисобига таъминланади.

Шунингдек, мамлакат иқтисодиётига йўналтириладиган жами инвестициялар миқдори 17,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши ёки 2015 йилга нисбатан 9,3 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Бунда аввалги йиллардагидек, инвестициялар асосий қисмининг (65 фоиздан ортиғини) ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, яъни янги ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш ва янги замонавий ишлаб чиқариш технологияларини харид қилишга йўналтирилиши мўлжалланмоқда.

Экспортни рағбатлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг изчил давом эттирилиши ҳисобига 2016 йилда ҳам мамлакатимиз тўлов баланси, шу жумладан, ташқи савдо баланси ижобий сальдосини сақлаб қолиш мўлжалланмоқда.

2016 йилда ҳам Ҳукумат томонидан бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилиши аҳолининг истеъмол, шу жумладан, узоқ муддатли товар ва хизматларга бўлган талабининг ўсишида ўз аксини топади ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашга хизмат қилади.

2016 йилда солиқ-бюджет сиёсатида амалга оширилиши режалаштирилаётган чора-тадбирлар ҳам мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари прогнозларидан келиб чиққан ҳолда бюджет тақчиллигини ялпи

ички маҳсулотга нисбатан 1 фоиздан оширмасликни ҳамда унинг тўлиқ ноинфляцион манбалар ҳисобидан молиялаштирилишини назарда тутди.

Ўз навбатида, 2016 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳамда жаҳон бозоридаги хомашё ва товарлар нархлари динамикаси прогнозини инобатга олиб, 2016 йил учун инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи 2015 йилдаги даражада, 5,5-6,5 фоиз доирасида белгиланмоқда.

Пул-кредит кўрсаткичларининг прогнози ва уларга эришишда монетар сиёсат инструментларидан фойдаланиш

2016 йилга мўлжалланган пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари ва параметрлари юқорида қайд этилган макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози асосида ва Давлат бюджети параметрларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилди.

Жорий йилда монетар сиёсатни амалга оширишда Марказий банк томонидан асосий эътибор инфляция даражасини белгиланган мақсадли параметрлари доирасида бўлишини ҳамда банк тизимининг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилади.

Бунда 7,8 фоизлик ялпи ички маҳсулот ўсишининг пулга бўлган реал талабини инобатга олган ҳолда 2016 йилда ўртача пул массасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатини 0,7 фоиз бандгача ошириш кўзда тутилмоқда.

Ўз навбатида, 2016 йилда пул массасининг ошишида тижорат банклари томонидан иқтисодиётни кредитлаш ҳажмининг кенгайтирилиши ҳамда мамлакат ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси ҳисобига банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши асосий омиллар бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда.

2016 йилда ҳам Марказий банк муомаладаги пул массасини тартибга солишда монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан фойдаланади ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириб бориш бўйича ишларни давом эттиради.

Бунда асосий эътибор инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлар доирасида бўлишини ва иқтисодиётда пулга бўлган талаб ва тақлифнинг муносиблигини таъминлашга қаратилади.

Шу билан бирга, банк тизимида ликвидлик танқислиги вужудга келишининг олдини олиш ва аксинча, тизимдаги ортиқча ликвидликнинг иқтисодиётда инфляцион босимнинг кучайишига олиб келишига йўл кўймаслик мақсадида банк тизими ликвидлигининг энг мақбул даражада бўлишини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриб борилади.

Хусусан, ташқи савдо баланси ижобий сальдосининг таъминланиши ва Давлат бюджетининг кўзда тутилаётган (1 фоиз) тақчиллик билан ижро этилиши натижасида банк тизимида вужудга келиши мумкин бўлган ортиқча ликвидликнинг инфляцияга таъсири олдини олиш ҳамда пул массасини тартибга солиш мақсадида тижорат банкларининг вақтинчалик бўш пул маблағларини Марказий банкдаги муддатли депозитларга жалб қилиш орқали стерилизация операциялари ўтказиб борилади.

Шунингдек, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий қўллабқувватлаш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли маблағларни йўналтирилишининг давом эттирилиши пул массаси ўсишининг олдини олишга ва уни белгиланган мақсадли кўрсаткич доирасида ушлаб туришга хизмат қилади.

2016 йилда ҳам инфляция даражаси 2015 йилдаги каби 5,5-6,5 фоиз доирасида прогноз қилинаётганлигини ҳисобга олиб, қайта молиялаш ставкасини 9 фоиз даражасида қолдириш кўзда тутилмоқда. Қайта молиялаш

ставкасининг 9 фоиз даражасида сақлаб қолиниши инфляция даражасини белгиланаётган прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлишини таъминлашга қаратилган қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш учун қулай шароит яратади.

Банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва бу борада амалга ошириладиган ислоҳотлар

2016 йилда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил

6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги СҚ-51Ш-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимига оид бошқа қарорларида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилади.

Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда олиб борилади.

Тижорат банкларининг капиталлашуви ва депозит базасини оширишни таъминлашга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш

2016 йилда банк тизими жами капиталини қўшимча акцияларни чиқариш ва жойлаштириш ҳамда бу соҳага хусусий капитални кенгроқ жалб қилиш орқали камида 20 фоизга ошириш мўлжалланмоқда.

Банкларнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

–юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар миқдорини 25 фоизга ошириш;

–Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2454-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилган барча тижорат банкларининг устав капиталида хорижий инвесторлар иштирокини таъминлаш чораларини кўриш;

–аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк омонатлари ва депозитларига, айниқса, узоқ муддатли депозитларга жалб қилиш ва бунда мижозлар талабларини инобатга олган ҳолда омонатларнинг янги, жозибадор турларини жорий қилиш ҳамда инновацион депозит дастурларини ишлаб чиқиш;

–депозитларни жалб қилишда уларнинг айланиш муддатлари ва банк активларининг рентабеллиги ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш ҳамда уларнинг ўз вақтида қайтарилиши кафолатларини янада мустаҳкамлаш;

–қарз қимматли қоғозларини, жумладан, узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш ҳажмларини ошириш ҳамда субординар қарзлар жалб қилиш ишлари фаол амалга ошириб борилади.

Шунингдек, 2016 йил давомида ҳар чоракда соф фойда ҳисобидан тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасига ажратмаларни йил давомида 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда босқичмабосқич ошириб бориш кўзда тутилмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини янада кенгайтириш

Монетар сиёсатнинг иқтисодий ўсиш ва бандликни молиявий қўллабқувватлаш мақсадларига мувофиқ ҳолда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори субъектлари ва аҳолини кредитлашни янада кенгайтириш 2016 йилда ҳам устувор вазифа сифатида давом эттирилади.

2016 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ажратиладиган кредит қўйилмалари умумий ҳажмининг 2015 йилга нисбатан 25 фоиздан зиёд ўсиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, жорий йилда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо қилиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда қишлоқ жойларда замонавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги янги турар жойларни барпо этиш мақсадларига тижорат банклари томонидан барча манбалар ҳисобидан 12 трлн. сўм миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 1,8 трлн. сўмдан зиёд миқдорда инвестицион кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

2016 йилда тижорат банкларининг инвестицион фаолиятида асосий эътибор 2015 – 2019 йилларга мўлжалланган иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий қайта ўзгартириш ва модернизациялаш умумий дастурини ташкил этувчи, шу жумладан:

–иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш;

–тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

–муҳандислик-коммуникация ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

–иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфини камайтириш, энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича чоратадбирлар дастурларидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этишга қаратилади.

Шунингдек, аҳолининг ўсиб бораётган истеъмол эҳтиёжларини маҳаллий товарлар ҳисобига тўлиқ қондириш ҳамда ушбу маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш мақсадида барча ҳудудлар, айниқса, қишлоқ жойлардаги

аҳолига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун истеъмол кредитлари бериш ҳажмлари ошириб борилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш

2016 йилда ўзининг кичик хусусий ишини, ўз бизнесини ташкил этишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратиш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишлар банк тизими фаолиятининг диққат марказида бўлади.

Республика ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2016 йилда тижорат банклари томонидан 14,0 трлн. сўм ёки 2015 йилга қараганда 1,2 баробар кўп миқдорда кредит ажратилиши прогноз қилинмоқда.

Ҳудудларда кредит олиш жараёнида инвестицион лойиҳалар ва бизнесрежалар пухталигини таъминлаш мақсадида маслаҳат хизматлари кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Инвестицион иқлим ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш борасида банк тизими зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш Бунда:

–банк хизматлари бозорида рақобатни янада кучайтириш, иқтисодиёт субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, кредитлаш жараёнларини соддалаштириш ва масофадан хизмат кўрсатиш кўламларини кенгайтириш;

–тадбиркорликнинг бир тури сифатидаги банк фаолиятига барча кўринишлардаги ноқонуний аралашувлар ва бу борадаги қонун

меъёрларининг бузилиш ҳолатлари олдини олиш;

–кредит ажратиш жараёнининг мақбул ва тезкор муддатда амалга оширилишига эришиш мақсадида банк филиалларининг кредит ажратиш борасидаги ваколатларини босқичма-босқич кенгайтириш масалалари асосий мезонлардан бўлиб қолади.

Илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш

Республикада ҳисоб-китобларнинг узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини пластик карталар муомаласини кенгайтириш орқали янада такомиллаштириш, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларини («Банк-мижоз», «Интернет-банкинг», «Мобиль-банкинг», «SMS-банкинг» ва бошқалар) республиканинг барча ҳудудлари, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида ривожлантириш, уларнинг ишлаш сифатини ошириш устувор вазифалар бўлиб қолади.

Шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш борасида:

–«Электрон ҳукумат» ахборот тизимлари таркибига киритилган Марказий банкнинг «Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллаш» лойиҳасини амалиётга жорий этиш доирасини кенгайтириш;

–республиканинг барча тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ҳисобварақларни масофадан бошқариш бўйича банк хизматлари кўламини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

3.2.Банкларни банк хизматларига талаб мониторинг

шакиллантириш.

Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётида кўплаб мамлакатлар молияиқтисодий кризисни бошдан кечираётган таҳликали вазият вужудга келди. Жаҳон молия ва товар бозорларида вазиятни барқарорлаштириш, банк тизимини ҳамда иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш йўллари изланмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, аввалги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган конкрет чора-тадбирларнинг кенг комплекси иқтисодиётимизни жаҳон молия кризиси хатаридан муайян даражада ҳимоя этишга хизмат қилади. Иқтисодиёт таркибини аниқ мақсад йўлида такомиллаштириш таъминланмоқда, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари фаол ташкил қилинмоқда, экспорт ҳажмлари муттасил ошириб борилмоқда ва унинг аввалги бир томонлама хомашёга йўналтирилганлиги бартараф этилмоқда. Асосан ички ресурс манбаларига таянувчи барқарор молия-банк тизими шакллантирилган.

Айни вақтда, энг аввало, жаҳон товар бозорлари конъюктурасининг ёмонлашуви, рақобатнинг кескинлашуви каби бир қатор ташқи омиллар мавжудки, булар Ўзбекистон корхоналари томонидан экспорт қилинадиган айрим маҳсулот турларининг нархи ва ҳажмлари пасайиши орқали иқтисодиётимизга салбий таъсир ўтказмоқда.

Жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий мутаносиблиги ва барқарор суръатларини, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллабқувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008

йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда мамлакатимиз иқтисодиёти реал секторида жаҳон молия кризисининг салбий оқибатлари нималар ҳисобига бартараф этилиши мумкинлиги ва бу борадаги ҳал қилувчи омиллар аниқ белгилаб берилган, ишлаб чиқаришни кейинчалик барқарор ўстириш ва ҳажмларини кенгайтириш, маҳсулот сотишнинг янги бозорларини ўзлаштириш асослари кўрсатилган.

Биринчи навбатда, бу - корхоналарда модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга оширишдан иборат. Энг аввало, бу иқтисодиётнинг базавий тармоқларига, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга тааллуқлидир. Корхоналар, бирлашмалар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг диққат-эътибори ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида қабул қилинган дастурларни амалга оширишни жадаллаштириш, энг илғор технологияларни жалб этиш, халқаро сифат стандартларига ўтиш зарурлигига қаратилганки, булар ташқи бозорларда ҳам, ички бозорларда ҳам барқарор ўрин эгаллаш имконини беради.

Хорижий иқтисодчиларнинг фикрича, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва янги технологияларни ўзлаштириш, бунинг ҳисобига энг кам чиқим билан сифатли рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш чора-тадбирларини ўз вақтида кўрган мамлакатлар вужудга келган кризисдан нисбатан камроқ зарар билан чиқадилар.

Шу боисдан Фармонда базавий тармоқларни модернизациялаш борасидаги энг муҳим 11 та дастурни амалга оширишни жадаллаштириш,

саноат корхоналарининг эскириб қолган ускуналари ва асосий фондларини жадал янгилаш, техник қайта жиҳозлаш лойиҳалари бўйича ускуналар харид қилиш буюртмаларини тезкорлик билан амалга ошириш, саноатда ва транспорт инфратузилмасида энг муҳим лойиҳаларни жорий этишни бошлаш ва уларни бажариш муддатларини камайтириш борасида қўшимча чоратадбирлар назарда тутилган.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш реал маблағ манбалари билан мустаҳкамланган – корхоналарнинг ўз маблағлари, банкларнинг кредитлари, шу жумладан, уларнинг капиталини сезиларли даражада кўпайтириш ҳисобидан бериладиган кредитлар, шунингдек, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтларининг кредитлари шулар жумласидандир.

Республика корхоналари томонидан экспорт қилинадиган бир қатор маҳсулот турлари бўйича жаҳон товар бозорларидаги жорий конъюктуранинг кескин ёмонлашуви – бугунги кунда ғоят долзарб бўлиб турган масалалардан биридир.

Қайд этилган қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида, Фармонда экспорт қилувчи корхоналарнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт учун қўшимча омилларни яратишда уларни кўллабқувватлаш бўйича Ҳукумат томонидан аниқ чоралар кўриш назарда тутилган. Шу мақсадда экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, уларга вақтинчалик солиқ имтиёзлари ва мавжуд кредиторлик қарзини реструктуризация қилиш имкониятини бериш мўлжалланмоқда.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан караганда, хусусан саноатнинг базавий тармоқларида ишлаб чиқариш харажатларини қатъий назоратга олиш ва иқтисод қилишнинг қаттиқ

тартибини жорий этиш экспорт қилувчи корхоналар учун катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам Дастурда электр энергияси ва асосий коммунал хизматлар нархларининг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймаслик, корхоналарда технологик жараёнларни рационализациялаш, материаллар ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига маҳсулот таннархини камида 20 фоизга арзонлаштириш бўйича махсус чоратадбирлар назарда тутилган.

Чора-тадбирлар Дастурида кўзда тутилганидек, электр энергетикани, ишлаб чиқариш тизимини, электр энергияни узатиш ва истеъмол қилишни кенг миқёсда модернизациялаш, энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежаш тизимини татбиқ этиш ҳам иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилгандир.

Шу билан бирга, чора-тадбирлар Дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришга катта эътибор қаратилган. Бунинг учун кичик ва хусусий бизнесга тижорат банкларининг, шу жумладан, Имтиёзли кредитлаш жамғармасидан кредитлар беришни кенгайтириш, замонавий импорт ускуналар ва минитехнологиялар харид қилиш учун кредит линиялари очиш, шунингдек, бир қатор қўшимча солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилган.

Уй-жой қурилиши ва, айниқса, яқка тартибдаги уй-жойларни ҳисобга олган ҳолда, амалдаги уй-жой фондини таъмирлаш, тиклаш ва реконструкция қилиш чора-тадбирларининг ўзаро боғлиқ тизимини яратиш иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашишнинг муҳим омилидир. Фармонда мазкур йўналишда ихтисослашаётган ташкилотларни тузишни рағбатлантириш, уларга зарур замонавий ишлаб чиқариш-таъмирлаш базасини таркиб топтириш ва шакллантиришда ёрдам кўрсатиш назарда тутилган.

Марказий банк пул-кредит сиёсатининг 2017 йилдаги устувор мақсади ички нархлар барқарорлиги ва инфляция даражасини 5,7-6,7 фоизлик мақсадли кўрсаткичлар доирасида ушлаб туриш орқали миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Айни вақтда асосий эътибор иқтисодиётда ички талабни рағбатлантириш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш орқали иқтисодий ўсишнинг прогноз қилинаётган 7,8 фоизлик суръатларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва пировардида мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишга қаратилади.

Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишларини ишлаб чиқишда жаҳондаги, шунингдек, асосий савдо ҳамкор давлатлардаги иқтисодий вазиятлар ва тенденциялар инобатга олиниб, уларнинг мамлакатимиз реал сектори корхоналари ва умуман, макроиқтисодий ҳолатга салбий таъсири олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилди.

Ўз навбатида, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари қуйидаги асосий омиллар ҳисобига таъминланиши кўзда тутилмоқда:

–фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш ҳисобига асосий капиталга йўналтирилган жами инвестициялар ҳажми 9,6 фоизга ошиши;

–саноат соҳасида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириб бориш, хусусан, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш, шунингдек, юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва турини кенгайтириб бориш ҳисобига соҳанинг (қурилишни инобатга олган ҳолда) 6,9 фоизга ўсиши;

–қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, шунингдек, соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва ҳосилдорликни ошириб боришга қаратилган дастурий вазифа ва чоратадбирлар амалга

оширилиши ҳисобига қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмининг 6,2 фоизга ошиши;

–хизматлар кўрсатувчи тармоқларнинг (ахборот ва алоқа, юк ташиш ва сақлаш, савдо, умумий овқатланиш ва бошқалар) илдам суръатларда ривожлантирилиши ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тез суръатларда ривожланишини таъминлаш, соҳа субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ишларини давом эттириш ва қулай ишбилармонлик шароитларини яратиш бўйича тизимли, аниқ мақсадли ва дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳисобига чакана савдо айланмаси ҳажми 14,2 фоизгача ошиши прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, 2017 йилда жаҳон бозорида юқори рақобатбардош товарларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш ҳамда манзилли қўллаб-қувватлаш, маҳаллий маҳсулотлар етказиб бериладиган ташқи бозорларни сақлаб қолиш ҳамда маҳаллийлаштириш дастурларини амалга оширишни янада кенгайтириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бўйича тегишли ишларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз тўлов, шу жумладан, ташқи савдо балансининг ижобийлиги таъминланишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, 2017 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг концепцияси ва Давлат бюджетининг лойиҳаси республикада макроиктисодий барқарорликни сақлаб қолиш ҳамда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари прогнозларидан келиб чиққан ҳолда бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1 фоиздан оширмасликни, шунингдек, унинг тўлик ноинфляцион манбалар ҳисобидан молиялаштирилишини назарда тутди.

Пул-кредит кўрсаткичларининг прогнози ва уларга эришишда монетар сиёсат инструментларидан фойдаланиш

2017 йилга мўлжалланган пул-кредит сиёсатининг прогноз параметрлари иқтисодиётни ривожлантириш бўйича юқорида қайд этилган асосий вазифаларга мутаносиб равишда ишлаб чиқилди.

Монетар сиёсатни амалга оширишда Марказий банк томонидан асосий эътибор инфляция даражаси белгиланган мақсадли кўрсаткичлар доирасида бўлиши учун зарур шароитларни яратиш билан бир қаторда иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестицион ҳамда иқтисодий фаолликни рағбатлантириш ва шу орқали иқтисодий ўсиш суръатларини кўллаб-қувватлашга қаратилади.

Иқтисодиётнинг кўзда тутилган 7,8 фоизлик реал ўсишини пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш ва пул таклифини ноинфляцион манбалар ҳисобидан шакллантириш вазифаларидан келиб чиқиб, 2017 йилда ўртача пул массасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатини 0,7 фоиз бандгача ошириш кўзда тутилмоқда.

Бунда монетар сиёсатнинг операцион ва оралик мақсадлари сифатида мос равишда резерв пуллар ва пул массаси белгилаб олиниб, уларнинг ўзгариши доимий мониторинг ва назорат қилиб борилади.

Шу билан бирга, 2017 йилда ҳам Марказий банк иқтисодиётдаги пул массаси ҳажми ўзгаришини тартибга солиш ҳамда пулга бўлган талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлаш мақсадида монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан фойдаланади ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириб бориш бўйича тегишли чораларни кўриб боради.

Бунда банк тизимида шаклланиши мумкин бўлган ортиқча ликвидликнинг иқтисодиётда инфляцион босимнинг кучайишига олиб келишига йўл қўймаслик ва аксинча, ликвидлик танқислиги вужудга келишининг олдини олиш мақсадида унинг мақбул даражада бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусан, ташқи савдо баланси ижобий сальдосининг таъминланиши, шунингдек, Давлат бюджетининг мумкин бўлган тақчиллик билан ижро этилиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган ортиқча ликвидликнинг инфляцияга таъсири олдини олиш ҳамда пул массасини тартибга солиш мақсадида тижорат банкларининг вақтинчалик бўш пул маблағларини Марказий банкдаги муддатли депозитларга жалб қилиш орқали стерилизация операциялари ўтказиб борилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли маблағларни йўналтиришнинг давом эттирилиши пул массасининг белгиланган кўрсаткичлардан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва уни белгиланган мақсадли кўрсаткич доирасида ушлаб туришга хизмат қилади.

2017 йилда инфляция даражасини 5,7-6,7 фоиз доирасида бўлишининг прогноз қилинаётганлигини инобатга олиб, қайта молиялаш ставкасини 9 фоиз даражасида қолдириш таклиф қилинмоқда.

Ўз навбатида, қайта молиялаш ставкасининг ушбу даражасида сақлаб қолиниши иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар қолдиғини 25 фоизга оширишга ва мамлакатдаги юқори инвестицион фаолликни сақлаб қолишга имкон беради ҳамда инфляция даражаси белгиланаётган прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлишини таъминлашга қаратилган самарали пулкредит сиёсатини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

3.3. Банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва бу борада амалга ошириладиган ислохотлар

2017 йилда банк тизимида амалга ошириладиган ишлар энг аввало, тизим фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш ва босқичма-босқич ривожлантириб боришга, шунингдек, тижорат банкларининг иқтисодий

ўсишни рағбатлантиришдаги иштирокини янада кенгайтиришга қаратилган вазифалардан келиб чиқиб белгиланди.

Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарори ва 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармонида банк тизими олдига қўйилган топшириқ ҳамда вазифаларни ўз вақтида сифатли бажаришга қаратилади.

Шунингдек, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида аҳоли билан доимий ва очик мулоқотни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини, унинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатни фаол молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилади.

Юқорида кўрсатилган устувор вазифалар ва мақсадлардан келиб чиқиб, банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда олиб борилади.

Тижорат банкларининг ресурс базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш

2017 йилда тижорат банклари томонидан реал сектор корхоналарининг ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича вазифаларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ресурс базасини шакллантириш ҳамда уни мустаҳкамлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

Хусусан, қўшимча акциялар чиқариб жойлаштириш ҳамда соҳага хусусий капитал ва хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб қилишни фаол давом эттириш орқали банк тизими жами капитали камида 20 фоизга ёки 1,9 трлн. сўмга оширилади.

Шунингдек, 2017 йилда банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини миждозлар талабларидан келиб чиқиб янада яхшилаш ҳамда омонат ва депозитларнинг янги, жозибадор турларини жорий этиш орқали аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этишни кенгайтириш ҳисобига жами депозитлар миқдорини 25 фоизга ёки 11,1 трлн. сўмга ошириш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш ҳамда жойлаштириш орқали уларнинг ҳажмини камида 20 фоизга ошириш вазифаси белгиланмоқда.

Стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқ ҳамда корхоналарнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларида хорижий банк-молия ташкилотларининг кредит линиялари ва республикамиз мақсадли фондларининг маблағлари ҳисобидан жами 11,5 трлн. сўмдан зиёд кредит ресурслари жалб қилинади.

Иқтисодиётнинг реал сектори, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш

Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш ва шу орқали мамлакатда ишлаб чиқариш ҳамда инвестицион фаолликни рағбатлантириш банк тизими олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

2017 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ажратилган жами кредит қўйилмалари ҳажмининг 2016 йилга нисбатан 25 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларидаги дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун қарийб 14,2 трлн. сўмлик инвестицион кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда республика ҳудудларида янги иш ўринларини яратиш мақсадларига 2017 йилда тижорат банклари томонидан жами 18,8 трлн. сўм ёки 2016 йилга нисбатан 25 фоиз кўп миқдорда кредит маблағларининг ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 455,4 млрд. сўм миқдорида ёки 2016 йилга нисбатан 27 фоизга кўп, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 2 трлн. сўм (25 фоизга кўп), хизмат кўрсатиш ва сервисоҳасини ривожлантириш учун

3,1 трлн. сўм (28 фоизга кўп) ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун қарийб 401 млрд. сўмлик (19 фоизга кўп) кредит маблағлари ажратилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2016 йилга нисбатан 26 фоиз кўп микрокредитлар ажратилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш Дастури тўғрисида»ги ПҚ-2639-сонли Қарорига асосан 2017 йилда республикаимиз ҳудудларидаги қишлоқ жойларида 15 мингта янги намунадаги уйларнинг қурилиши режалаштирилмоқда.

Ўз навбатида, ушбу мақсадларда жами 2,1 трлн. сўм, шу жумладан, 1,6 трлн. сўмдан зиёд миқдордаги кредит маблағларининг йўналтирилиши белгиланган бўлиб, мазкур кредит ресурсларининг уй-жойларни қуриш ва таъмирланишини амалга оширувчи буюртмачи ташкилотларга кредит линиялари очиш ҳамда аҳолига ушбу хонадонларни харид қилиш учун ипотека кредити сифатида ажратишга йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2660-сонли Қарорига мувофиқ, 2017 йилда республикамиз шаҳарларида 8,1 минг хонадонга мўлжалланган 191 та кўп қаватли уйларнинг қурилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадларга тижорат банклари орқали 673 млрд. сўм миқдоридаги молиявий ресурсларнинг йўналтирилиши мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, «Навой», «Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналари, шунингдек, янги ташкил этилаётган «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналаридаги банк муассасалари фаолиятини халқаро андозаларга мос равишда янада такомиллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Умуман олганда, ушбу дастурларнинг амалга оширилиши аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг яшаш ва турмуш шароитларини яхшилаш билан бирга қурилиш ишлари, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи ҳамда уларга туташ корхоналар маҳсулотларига талабнинг ошиши натижасида ушбу соҳаларнинг жадал ривожланишига асос яратиб, иқтисодиётнинг реал секторидаги фаолликнинг ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

2017 йилда тижорат банкларининг замонавий ахборот технологияларига асосланган банк хизматларининг сифати ва ишончлилигини ошириш, жумладан, мижозлар учун банк биносига келмасдан, масофадан туриб, кенг турдаги банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга ошириб борилади.

Бунда асосий эътибор:

–кўрсатилаётган банк хизматлари сифати ва кўламини илғор ахбороткоммуникация технологияларини қўллаш орқали кенгайтириш, шу жумладан, банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш;

–чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг тўлов терминалларига бўлган талабини доимий равишда ўрганиб бориш, уларга фойдаланиладиган зарур ускуна ва материалларни қисқа муддатларда етказиб бериш ҳамда доимий равишда банк омборларида етарли миқдорда терминаллар, пластик карточкалар ва инфокиосklar захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

–аҳолининг истеъмол талабини ошириш ва қулай кредит турларини кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан овердрафт кредитлари ажратилишини ҳамда кредит карталарини жорий этиш;

–тўлов терминаллари ва банк ускуналарига тезкор техник хизмат кўрсатиш кўламини янада яхшилаш учун Ягона умумреспублика процессинг марказининг сервис шохобчаларини барча шаҳар ва туманларда ташкил этиш;

–банк пластик карточкалари орқали ўтказилган тўловларни савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларининг тижорат банкларида очилган депозит ҳисобварақларига ўтказилишини автоматлашган банк тизими (АБТ)га узлуксиз реал вақт режимида узатилиши бўйича зарурий чоралар кўриш;

–банкларнинг «Мобиль-илова» дастурини жорий этиш ва ушбу дастур орқали кредитни сўндириш, бюджет ва солиқ тўловлари, алоқа тўловлари, интернет-сайтлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятини яратиш;

–мобиль иловалардан кенг фойдаланган ҳолда он-лайн режимида банк эмитентидан қатъи назар, жисмоний шахслар учун бир пластик карточкадан бошқа бир пластик карточкаларга маблағларни кўчириш амалиётини янада кенгайтириш;

–электрон «он-лайн» дўконлар (E-POS) тармоғини кўпайтириш ҳисобига банк пластик карточкаларидан фойдаланувчилар учун товар ва хизматларни интернет тармоғи орқали харид қилиш имкониятларини яратиш;

–аҳоли билан нақд пулда ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумларининг банк кассаларига тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилишини кучайтириш;

–аҳоли гавжум жойларда, йирик корхона ва ташкилотларда, бозорлар ҳамда савдо мажмуаларида пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш имконини берувчи инфокиосklar сонини кўпайтириш, уларнинг доимий ишлаш ҳолатида бўлишини таъминлаш каби вазифаларга қаратилади. Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш, шаффофлик ва ҳисобдорликни ошириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли Фармони билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридаги вазифалар ижросини таъминлаш борасида қуйидаги ишларнинг амалга оширилиши кўзда тутилмоқда:

–тижорат банкларида етакчи халқаро молия институтларидаги корпоратив бошқарувни ташкил этиш механизмини чуқур ўрганиш асосида рискларни бошқариш, ички назоратни яхшилаш ва банklar фаолиятининг самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни узлуксиз давом эттириш;

–корпоратив бошқарув органлари – акциядорлар умумий йиғилиши, банк кенгаши, бошқаруви ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати каби бўлинмаларнинг соғлом банк фаолияти кўрсатиш борасидаги мажбурият ва масъулиятларини ошириш;

–банklarни стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш борасидаги талабларни кучайтириш;

–банк фаолияти шаффофлигининг банк назорати бўйича Базель кўмитасининг энг муҳим талабларидан бири эканлигини инобатга олган ҳолда банklar фаолияти бўйича ахборотлар оммавийлигини, шу жумладан, банklar веб-сайтларига йиллик ва оралиқ молиявий ҳисоботларни жойлаштириш ҳамда банк сирини тўғрисидаги қонунчиликка хилоф бўлмаган равишда ўрнатилган тартибдаги бошқа усуллар орқали янада оширишни изчил давом эттириш;

–корпоратив бошқарув соҳасида янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, хорижий менежерларни жалб этиш чораларини кўриш;

–банklar фаолиятининг очиқлигини ошириш, улар томонидан нашр этиладиган аудит ва молиявий ҳисобот ахборотини халқаро стандартларга янада яқинлаштириш борасидаги ишларни давом эттириш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Иқтисодийни модернизациялаш шароитда Ўзбекистонда тижорат банкларида кредит сиёсатини такомиллаштириш йўллари масалаларига доир амалга оширилган изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мустақиллик йилларида бошланган иқтисодийда тижорат банкларида кредит сиёсатини ўрнатиш, шу жумладан тижорат банкларида кредит муносабатларини кўриб чиқиш ва белгилаш ривожлантириш, молиялаш, модернизация қилиш ва унинг инвестицион фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ишлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Бунинг натижасида тижорат банкларни кредитларидан самарали фойдаланиш иқтисодийтимизни реал секторини барча тармоғларида ўз самарасини бермоқда.

2. Ўзбекистонда амалга оширилган кредит муносабатлари, иқтисодий ислохотлар натижасида қулай инвестиция муҳити шакллантирилди, яъни қулай инвестиция муҳитини шаклланишида иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларига эришилаётганлиги ва бозор институтларининг мавжудлиги ҳамда энг аввало, мустаҳкам қонунчилик базаси, ривожланган банк-кредит ва инвестициялашни давлаттомонидан қўллабқувватлаш каби чора-тадбирлар тизимлари яратилганлиги сабаб бўлмоқда.

3. Турли иқтисодчи – олимларнинг банк-кредит сиёсати ва кредитлаш фаолияти атамларига берган таърифлари ҳамда қарашлари таҳлил қилинди.

4. Тижорат банк кредит муносабатлари – бу реал секторда кенг миқёсдаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариладиган, катта миқдордаги ишчилар фаолият юритадиган ҳамда кенг қўламдаги қўшимча иш жойларини яратиш имкониятига эга бўлган, экспорт салоҳиятининг кўтарилиши мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ўсиши ва пировард натижада, республикада аҳоли фаровонлигининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган омилдир.

5.Тижорат банклари кредит муносабатлари орқали корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунга сабаб, тижорат банклар томонидан берилаётган кредитлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, реал сектор корхоналарнинг техник базаси янгиланаётганини ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислоҳатлар, ишлаб чиқариш қувватларини ошаётганини кўрсатиш мумкин.

6.Ўзбекистонда тижорат банк кредитлари орқали корхоналари инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун хорижий инвестицияларни жалб этишга муҳим қўшимча манба сифатида қаралиши лозим. Хорижий инвестициялар маҳаллий инвестицияларни тўлдириши мумкин, бироқ, уларнинг ўрнини босолмайди. Шу жиҳатларни инобатга олганда, инвестициялашнинг ташқи манбаларини кенгайтириш тармоқ корхоналарининг инвестиция фаолиятини юксалтиришда устувор вазифа ҳисобланади.

7.Диссертацияда реал секторга тижорат банк кредитлари томонидан корхоналарига жалб этилган инвестициялар ҳажми ва таркибининг ўзгариш динамикаси таҳлил қилинган ҳамда улар самарадорлиги баҳоланган. Таҳлиллар кўрсатадики, тижорат банкларини кредитлари корхоналари энг катта ҳажмдаги ички ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритиладиган ишлаб чиқариш объектлари реал секторни бара тармоқлари ҳисобланади.

8.Реал сектор тармоғилари корхоналарини имкониятларини ҳисобга олиб ҳамда мамлакатнинг яқин келажакдаги ривожланиш стратегиясига асосланиб таъкидлаш мумкинки, тармоқ корхоналари келгуси даврда янада ўсишга эришади ва иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи бўлиб қолади. Шу боис ҳам мазкур тармоқ корхоналарини инвестицион фаолиятини молиялаштиришни яхшилаш масаласи муҳим вазифа тижорат банк кредитлари бўлиб қолади.

9.Маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш орқали тижорат банк кредитлари реал сектор тармоғига инвестицион фаолиятини ривожлантириш йўллари, муаммоларини ўрганиш юзасидан қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: тижорат банк кредит маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, корхоналарида аксия ва облигатсияларни муомалага чиқариш орқали уларни инвестицион фаолиятни молиялаштиришда қўшимча маблағлар таркибини кенгайтириш лозим.

10.Маълумки, инвестицион фаолиятдаги капитал қурилиш ва техник қайта жиҳозлаш тадбирлари учун кредитлар керак. Бу жараёнда республикада инвестицион фаолиятни жадаллаштиришда тижорат банклариалоҳида ўрин тутади. Шу нуқтаи-назардан, реал секторга инвестиция фаолиятини молиялаштириш учун тижорат банклари кредитларидан ҳам фойдаланиш керак.

11.Реал сектор корхоналарини инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштиришда инвестиция ва инвестиция фаолиятини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиш зарур.

12.Ички ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни реал сектор тармоқларига жалб этиш ва уларни инвестицион фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш орқали келгусида ушбу тармоқни модернизация қилиш ҳамда ривожлантириш стратегиясини асослаш ва экспортга маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришда фойдаланиш мумкин.

13.Реал сектор тармоқларини барпо этиш ва ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун Ўзбекистонни барча жойларда барча шарт-шароитлар мавжуд, тижорат банк кредит муносабатларни жадал ривожлантириш, кредитлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонуни, президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995.
2. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи. – 1995. – 26 декабр.
3. Банклар ва банк фаолияти тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрирда) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996.
4. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи. – 2002. – 6 апрел.
5. Банк сирини тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи. – 2003. – 21 август.
6. Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чоратадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. – 2000. – 22 март.
7. Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. – 2005. – 21 июн.
8. Аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жалб қилишга янада рағбатлантириш бўйича

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Халқ сўзи. – 2005. –

19 январ

10. Каримов И. А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир // Халқ сўзи. – 2008. – 9 феврал.

11. Каримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Президент Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 18 январь, 2-бет

12. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТ СТРАТЕГИЯСИ.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги 421-сонли Низом 1998 йил 2 декабрь.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом, №420, 2000 йил 26 март.

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Тижорат банклари томонидан Марказий банкка мажбурий заҳираларни депонентлаш тартиби тўғрисида”ги низом 2000 йил 20 апрел.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 1829-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон 100 Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида”ги Низом.

IV. Асосий адабиётлар

17.Абдуллаев Ё. ва бошқ. Банк иши. Уқув қўлланма. - Т.: Иқтисодий- Молия, 2010. - Б. 533.

18.Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002.- Б. 321.

19.Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. - Т.: Иқтисодий- Молия, 2006.

Б.286 20.Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар.

Уқув қўлланма. И.ф.д., профессор А.В. Вахабовнинг умумий тахрири остида. - Т.: Молия, 2010. - 328 бет.

21.Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Бурхонов У.А. Халқаро молия муносабатлар. Дарслик. - Т.: Шарқ 2003.

20. Р.Хасанов, Х.Асатуллаев, Қ.Сувонқулов, Х. Хакимов. Реал сектор иқтисодиёти ва уни прогнозлаш: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.-Т.:Иқтисодий-молия, 2013 6 бет.

21.Ташматов Ш.Х. Банк тизими: юзага келиши, эволюцияси ва моҳияти монография // Тошкент-Иқтисодиёт 2015.

22.Кичик бизнес ва тадбиркорлик (ўқув қўлланма) Тошкент 2011.

23. Ходиев Б.Ю. Қосимова М.С. Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (ўқув қўлланма) Тошкент-ТДИУ 2010.

24.Ромаш М.В, Шевчук В.И. Финансирования и кредитования инвестиции.:Учебное пособие. - Минск: Книжный дом, 2004.

25.Сергеев И.В., Веретенникова Н.И. Организация и финансирования инвестиции - М.: Финансы и статистика, 2003.

- 26.Узоков А., Носиров Э., Саидов Р., Султонов М. Инвестиция 96
- 27.Лойихаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. - Т.: Иқтисодий-Молия, 2006.
- 28.Шоҳаъзамий Ш.Ш. «Финансовый рынок и ценные бумаги» КНИГА Учебник.-Т.: «Иқтисод - молия», 2005.-850 с.
- 29.Шоҳаъзамий Ш.Ш. Биржевая деятельность. Учебник.-Т.: Иқтисод- молия, 2005.- 294 с.
- 30.Шоҳаъзамий Ш.Ш. Основы финансового инжиниринга.-Т.: Иқтисодмолия, 2005.-264 с.
- 31.Шоҳаъзамий Ш.Ш. Основы секьюритетики.-Т.: Иқтисод-молия, 2005.- 376 с.
- 32.Кудратов Г., Хасанова Р., Исакулова И. Аграр секторда кичик бизнес ривожлантириш. Уқув қулланма.-Т.: ТМИ, 2005.
- 33.Гозибеков Д. Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: Молия, 2003.

V. Қўшимча адабиётлар

- 34.Алимов К.А., Расулов А.Ф. ва бошқалар. “Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт” // Фуломов С.С. тахрири остида. Монография. Т.: УзРФА Иқтисодиёт институти, 2006.
- 35.Абдусаматова Х.М. Инновация стратегияси. Т.: ТДКУ, 2011.
- 36.Валдайсев С.Б. "Управление инновационным бизнесом", Москва. ЮНИТИ, 2001, 265 с.
- 37.Волков И.М., Грачева М.В. Проектный анализ. Москва. Банки и биржи: ЮНИТИ. 1998,421 с.
- 37.Жумаев Н. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабабоқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири”. Рисола -Т.: ЖИДУ, 2009.

38. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”.
Т.: “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси”, 2004.
39. Жураев Ф. “Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” Т.: “Истиқлол”, 2004.
40. Петранова Г.Д. "Экономика и управление в сельском хозяйстве". М.: Академия. 2003.
41. Саматов Ғ.А. ва бошқалар. “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш” Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2005.
42. Ҳамдамов Қ.С. “Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш”. Т.: “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти”, 2004.
43. Салимов Б. Т. ва бошқалар. “Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти”. Т.: “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти”, 2004.
44. Абдусаттарова Х.М. “Инновация стратегияси”. Ўқув кўлланма. Т.: ТДИУ, 2011, 233 б.

VI. Даврий нашр, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

45. Қувондиқов Ш. Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007. – № 7. – Б. 61.
Халқ сўзи. Газета. 2009-2013 йй. Сонлари.
46. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

47. Экономическое обозрение. Журнал. 2007-2012 йй. Сонлари
48. Узбекистан в цифрах 2012. Статистический сборник. – Т.: Статистика, 2012.
49. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика маълумотлари. 2009-2012 йй.

VII. Интернет ресурслари

50. <http://www.mmbank.ru/> – Москва банки сайти.
51. <http://www.cbu.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.
52. <http://www.uzpsb.uz/> – 53. <http://www.pravo.vsem.uz/> –
54. <http://www.lex.uz/> –
55. <http://www.stat.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти